

БИЛАН СУХБАТ
"АЛПОМИШ"

Омонгула Мадаев

2

82.548
M14

82.598

М 14.

Омонгула Мадаев

2

"АЛШОМИШ"
БИЛАН СУХБАТ





БС. 553
М14


ОМОНУЛЛА МАДАЁВ

„АЛПОМИШ“
БИЛАН СУҲБАТ

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 1999

Фольклоршунос Омопулла Мадаев ўзининг «Алпомиш» билан суҳбат» китобида ўзбек қаҳрамонлик эпосининг намунаси «Алпомиш» достонини бугунги кунимиз нуқтаи назаридан таҳлил қилган. Шу пайтгача достонда алоҳида ўрганилмаган шахс эрки, асарга ислом дини таъсири, инсон руҳий аҳволи ифодаси каби масалаларни ёритган. Китобчада «Алпомиш» достонидаги ҳикматли сўзлар, иборалардан намуналар, мақоллар илова қилинган.

Асар академик лицей, коллеж, мактабларнинг ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари, халқ оғзаки ижоди билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



СУЗ БОШИ УРНИДА

Азиз юртдошлар, агар хориждан келган бирон сайёҳ Сиздан ўзбек халқи жаҳон халқлари маданият хазинасига ўзининг қайси оғзаки ижод намунаси билан муносиб ҳисса қўшганини сўраса, ҳеч иккиланмай «Алпомиш» достонини айтишингиз мумкин. Чунки бу дoston дунёдаги бошқа халқлар оғзаки ижодидаги «Калевала», «Нартлар», «Форсайтлар ҳақидаги Сағлар», «Манас» каби қимматли ва нодир асарлар қаторидан муносиб ўринга эга. Халқимизнинг ноёб истеъдодли фарзандлари ижод қилган «Алпомиш»ни Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир, Пўлкан шоир каби фавқулodда хотира кучига эга бахшилар ижро этганлар. «Алпомиш»ни куйлаш ҳар бир бахши учун шараф ҳисобланган. «Алпомиш»ни ёзиб олиш, ўрганиш, нашр қилишда қатнашиш, у ҳақда биронга эътиборга лойиқ илмий мулоҳаза айтиш билан эса ўзбек олимлари юксак фахр туйганлар. Достоннинг ўнлаб нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт илмий текшириш институти ходимлари, турли олий ўқув юртлари олимлари, талабалари томонидан ёзиб олинган.

Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, В. М. Жирмунский, Ҳоди Зарифов каби марҳум шоирларимиз ва олимларимиз «Алпомиш» достонининг бизгача етиб келишига ҳисса қўшганлар. Достонни оғир таҳқирлардан ҳимоя қилганлар. Муҳаммаднодир Саидов, Тўра Мирзаев, Баҳодир Саримсоқов каби етук олимлар эса бу достонни илмий жиҳатдан ўрганишни давом эттирганлар. Уларнинг ҳар бир тадқиқот ва мақолалари достондаги бирон илмий муаммони ҳал қилишга бағишланган. Бизнинг мақсадимиз достонни аввал ўрганган олимларнинг илмий мулоҳазаларига суянган ҳолда халқимиз оғзаки ижоди мухлисларига «Алпомиш» достонидаги айрим масалаларни яхшироқ тушунишларига кўмаклашмакдир.

Ўзбекистон кўп йиллик тарихи давомида мустақил ривожланиш йўлига ўтганлиги муносабати билан халқимиз оёзаки ижоди асарларини ҳар томонлама эркин таҳлил этиш имконига эга бўлдик. Миллий қадриятларимизнинг кўпқиррали фалсафий жиҳатларини янгича дунёқараш нуқтаи назаридан таҳлил қилишимиз учун имкон туғилди. Жумладан, 1928 йилда Ҳоди Зариф ташаббуси билан дostonни ёзиб олган Маҳмуд Зариф матни яқин 70 йилдан кейингина тўлиқ тарзда дунё юзини кўрди: «Алломиш» дostonини 1998 йилда «Шарқ» матбаа концерни қайта нашр этди— айтувчи Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи Маҳмуд Зарифов. Нашрга тайёрловчилар: Ҳоди Зарифов, Тўра Мирзаев.

Шу боис авваллари бир неча марталаб ўқиган дostonимизни қайтадан ўқиганимиз сари бахшилар мисралар заминига сингдириб кетган маънолар маълум бўлмоқда. Дostonда инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилинишига бўлган эътибор тасвири, давлатни бошқариш йўлидаги халқ мулоҳазалари ифодаси, инсон табиатидаги айрим нуқсонларнинг танқид қилиниши, ислом дини тушунчаларининг дoston матни маъзига сингдириб иборилганлиги каби масалалар шулар жумласидандир.

Фикримизча, «Алломиш» дostonида бугунги кун ҳаётимиздаги деярли ҳамма муаммолар ҳақида турли муносабатлар билан фикр билдирилган. Бозордаги савдо-сотиқларни тартибга солишдан тортиб жамоадаги ҳар бир вакилнинг фикрини эшитиш одобигача бўлган тартиблар ўз ифодасини топган.

ДОСТОН

Сўлим оқшом. Қуёш уфққа ёнбошлаган бўлса ҳам атрофдаги тоғларнинг осмонга бўй чўзган чўққилари устидаги оппоқ қорлар, узоқ-яқиндаги сада дарахтлар, адир бўйлаб экилган маккажўхори поялари аниқ кўриниб турибди. Ариқ бўйида ўтирган достон шинавандаларнинг хаёлини жилдираб оқаётган сув узоқ-узоқларга аллалаб олиб кетаётгандай. Улар бугунги кунда кўпчилик юртдошларига тансиқ бўлиб қолган достон тингламоқдалар. Урик (ёки тут, арча)дан ноксимон кичик ўйма қорни устига юпқа тахтачалар қопланган, 50 смча дастадан иборат дўмбирадан таралаётган садолар бутун оламини сирли оҳанглар дунёсига фарқ қилади. Шундай дамларда инсон ўйлари чегара билмайди. Бахшининг кўринишдангина нозик туюлган садобахш бармоқлари пардасиз даста бўйлаб сузар экан, дўмбирани асрлар бўйи авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган куйни эслашга мажбур этмоқда. Эҳе... Бу куйларни кимлар тингламаган дейсиз?... Она элат деб жонини қил устида гаровга қўйган жангчи ҳам, куйи бўйи қўйларининг саноғига етолмаган чўпон ҳам, ҳосил йиғиб ўрим-ўрим буғдойни гарамлаган деҳқон ҳам, ҳаётидан мамнун қария ҳам, турмуш ташвишларига фарқ йилқичи ҳам шу куйнинг гадоси. Чунки бу куй ҳаммага таскин беради, ўтмиш аждодларини эслатади, кўнглида ўзи аниқ ажрата олмайдиган туйғулар ҳосил қилади. Бахши эса дўмбирани чертаверади; унинг ўз хаёллари, режалари бор. Уни ҳам оиласидаги ташвишлар, қувончлар хаёлан жунбушга келтиради. Муаммоларининг ечимини дўмбирадан таралаётган садолардан излайди: Бармоқлари баъзан онгли бошқарилади, баъзан бу бармоқлар ўз ихтиёрлари билан даста бўйлаб сайр қиладилар. Аслини олганда уларни бошқаришга эҳтиёж йўқ. Гўдакликдан дасталарда вояга етган бу бармоқлар энг суюкли машғулотлари билан банддирлар.

Кимдир ич-ичидан хўрсиниб қўяди, кимдир бошини тебратиб куйга маст бўлади. Бахши дўмбира куйини

ниҳоясига етказиб, дoston ижросини бошлайди. Бу пайтда унинг ўнг қўли дўмбиранинг қорни узра зарб бериб, торларни чертиб туради.

«Бурунги ўтган замонда, ўн олти Қўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тагин икки ўғил пайдо бўлди: каттаконининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсари қўйди»,—деб бошлайди бахши ўзининг ҳикоясини. Тингловчилар шу заҳоти бугундан эшитадиган дostonлари «Алпомиш» эканини биладилар. Бу дostonни кўпчилик неча марталаб эшитган бўлса-да, ҳамма дилидан бир қониқиш, мамнуният ўтказди. Сабаби «Алпомиш» ҳеч кимнинг меъдасига тегмаган дoston. Қолаверса, бирон марта уни тўкис бир хил ижро этган бахшининг ўзи йўқ. Албатта, қайсидир воқеани ўзгартириб, қишлоқдаги янгиликлардан қўшиб, кимnidир танқид қилиб, кимnidир Ҳакимбекдек валлааматликда мақтаб айтишади бу дostonни.

Бахши соз чертганда созандадир. Шеърини парчаларни қўшиқ қилганда хонандадир. Кези келса шоир бўлиб шеърлар тўқийди. Бадий сўз устаси бўлиб ҳикоя ўқийди. Илҳоми жўш уриб қолса, янги дostonни ҳам айтиб юбораверади. Тингловчиларни лол қолдириб овозини тўлқинлантираверади. Алпомиш гапирганда — Алпомишнинг мардлигини, Барчин сўзлаганда — Барчиннинг нозини кўз олдимизда гавдалантиради. Бу санъат турлари жам бўлганда дoston вужудга келади. Айтмоқчи, дoston ҳақида тўкис тасаввур ҳосил қилмоқчи бўлсак, бахшининг тингловчилар ўртасида ўтовда ёки табиат қўйнида дoston ижро этишига гувоҳ бўлмоғимиз лозим. Тингловчилар ҳам дostonнинг фарқига боришлари, яхши ва ўртамиёна бахшини ажрата олишлари керак. Шунда дostonда айтилган лавҳаларга муносабатлар билдирилади. Алпомиш курашда голиб келса, қийқириқлар бўлади. Зиндонда ётганида у билан бирга азоб чекилади. Кўпчилик тингловчилардаги ҳолат бир-бировларига ўтиб умумий кўтаринкилик рўй беради. Хуллас, китобдаги халқ дostonини ўқиш, радиодан бахшини тинглаш, телевидениедан ижрони томоша қилиш билан дoston ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлмайди. Аммо «ҳечдан кўра ҳеш» деганларидек, имконият йўқ бўлса, китобни ўқиш, радиони тинглаш, телевизордаги кўрсатувни кўриш ҳам «ҳеш»га ўтади, яъни дoston ҳақида қисман бўлса-да бир ёқлама тушунча ҳосил бўлади.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди минглаб йиллар давомида мисқолма-мисқол йиғилиб вужудга келган маданий ва маънавий хазинамиздир. Бундан минг йил олдин Маҳмуд Қошғарий халқ қўшиқлари, ривоятлари, мақолларини тўплаб «Девону луғатит турк» китобига киритган. Уша асарларнинг айримлари ҳанузгача халқ орасида оғзаки тарзда яшаб келмоқда. Ундан кейин юзлаб эртаклар, қўшиқлар, латифалар, топишмоқлар яратилди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳажмга, шаклга, ижро усулига эга бўлиб, алоҳида-алоҳида жанр ҳисобланади. Достонлар ҳам ана шундай жанрлардан биридир. Сўз, мусиқа, қўшиқ, ашула, бадий ўқиш, артистлик санъатлари бирлашган ҳолда намоён бўлгани учун уни халқ оғзаки ижодининг мураккаб жанри деб аташади. Достон илмий адабиётларда синкретик жанр деб ҳам юритилади.

Ўзбекистонда халқ достонлари Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм, Наманган вилоятларида (ва Қорақалпоғистон Республикасида) ижро этилади. Ижрочилар дўмбира, қўбиз, тор, дуторчалиб достон айтадилар. Баъзан гармонь жўрлигида ҳам достон куйланади. Ижро усулига кўра ўзбекларда Самарқанд, Хоразм, Фарғона-Наманган достончилиги анъаналари мавжуд бўлиб, Самарқандда ички бўғиз овозда, Хоразмда очиқ қўшиқ айтиш йўли билан, Наманганда очиқ, аммо қўбизда айтишга мосланган ҳолда куйланади.

Самарқанд достончилигида ҳажм жиҳатдан катта достонлар насрдан ва эпик шеърлардан иборат бўлади. Хоразм достончилигида достонлар насрий парчалар ва лирик шеърӣ парчалардан иборат бўлади. Будостонларнинг ҳажми катта бўлмайди. Наманганда ҳам достонларнинг ҳажми катта бўлмайди, аммо уларнинг матнлари ҳам Самарқанд достончилиги каби насрдан ва эпик шеърӣ парчалардан ташкил топади.

Самарқанд достончилиги анъанасига мансуб «Алпомиш» достонидан бир парча келтирайлик:

«Самарқанднинг миноридай зинкийиб, бути саланглаб, отнинг остига аймашиб, ўн уч маҳрамини бирга олиб, Қоражоннинг қаллиққа жўнаб бораётган ери:

Қоражон бек йўлга кирди,
Маҳрамларин бирга олди,
Чилбир чўлига йўл юрди.
Билган энасин сўзини,

Кўрмакчи сарвинозини,
Олмакчи бийнинг қизини!¹

Бу парчада «Самарқанднинг миноридай»... деб бошланадиган қисм насрий ҳисобланади. «Қоражон бек йўлга кирди» эса эпик шеърдир. Эпик шеърда қаҳрамоннинг ҳаракати насрий парчадагидек намоён этилаверади.

Энди Хоразм дostonларидан ҳисобланган «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonидан бир парча оламиз:

«Шоҳсанам Ғарибни бирдан кўради-ю, яна кўздан йўқотиб, қаерга кетганини билмай қолади:

Учирдим шунқор қушимни
Ҳеч бир ерда қарори йўқ.
Во ҳасрато, маҳвошимнинг
То етгунча қарори йўқ»².

Бу парчада «Шоҳсанам Ғарибни...» сўзлари билан бошланувчи матн насрдан иборат. «Учирдим шунқор қушимни» мисраси билан бошланадиган шеър эса Самарқанд дostonчилиги анъанасига тааллуқли «Алпомиш»дан олинган шеърий парчадан фарқ қилади. Агар «Алпомиш»дан олинган шеърий парчада қаҳрамоннинг ҳаракати ҳақида маълумот берилса, яъни Қоражоннинг Барчиной олдига кетиши айтилса, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonидаги шеърий парчада Шоҳсанамнинг фақат ички кечинмалари баён этилади. Шунинг учун Самарқанд дostonчилигидаги шеърий парчаларни эпик шеър, яъни бирон воқеани ҳикоя қилувчи шеър, Хоразм дostonчилигидаги шеърий парчаларни эса лирик шеър, яъни фақат қаҳрамоннинг ички ҳис-туйғуларинигина ифодаловчи шеър номи билан атаймиз.

Наманган дostonлари анъанасига оид «Замонбек» дostonидан ҳам бир парча келтирайлик:

«Гўрўғли йигитларининг ғайрати келиб, ўтдай тутшиб, Шодмон полвон деган йигит Маманиёз орқасидан қувиб турган жойи экан:

Кўринг Шодмон полвон ишини,
Уни-буни деганига қўймайди,

¹ Алпомиш. Дoston. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи: Маҳмуд Зарифов. Нашрга тайёрловчилар: Ҳоди Зарифов, Тўра Мирзаев. Т., «Шарқ», 1998, 50-б. Кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади ва матнда бетлари кўрсатилади.

² Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. Дoston. Т., «Фан», 1956, 9-б.

Бора қолиб турвайидан ушлайди,
Тақимини бир кўтариб ташлайди»¹.

Бу парчанинг шакли ва мазмунидан маълум бўладики, насрда ҳам, назмда ҳам қаҳрамонлар ҳаракатининг баёни ўз ифодасини топган. Бу жиҳатдан Фарғона дostonчилиги Самарқанд дostonчилиги анъанасига ўхшашдир.

Халқ дostonлари юртимизнинг турли ҳудудларида турлича ижро этилиши, ижро усулларига кўра, ҳатто, бир вилоятнинг ўзида айрим-айрим мактабларга эга бўлишидан ташқари мазмунига кўра ҳам бир неча турларга бўлинади. Таниқли олимлардан В. М. Жирмунский, Ҳ. Т. Зарифов, М. Саидов, Т. Мирзаев, Б. Саримсоқовларнинг кузатишларича халқ дostonларини турларга бўлишда кўпроқ уларнинг мазмуни, қаҳрамонларнинг феъл-атворига эътибор қилиш маъқул. Аммо номлари тилга олинган олимларнинг ҳар бири амалга оширган тасниф бир-биридан қайсидир жиҳатлари билан фарқ қилади. Шунга қарамай дostonларимиз, асосан, қаҳрамонлик, ишқий, жангнома, тарихий каби турларга бўлинишини қайд этиш мумкин. Улардан қаҳрамонлик ва ишқий мавзудагилар кўпроқ тилга олинади. Хусусан, «Равшан», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» каби асарлар ишқий, «Алпомиш»га ўхшаганлари қаҳрамонлик дostonлари ҳисобланади.

Халқ дostonларининг ижросида тингловчиларни ҳам эсдан чиқариш мумкин эмас. Бахши ўз тингловчиларининг ижро этилаётган дostonдаги воқеаларга бефарқ эмаслигини сезса, тингловчилар руҳан дostonдаги воқеаларни ҳис этиб эшитаётганини билса, унинг хаёлига янги-янги лавҳалар келади, илҳоми жўшуради ва дoston бадий жиҳатдан гўзаллашиб, мукамаллашиб бораверади. Булардан маълум бўладики, дoston тингловчиларига ва бахшининг кайфиятию илҳомига кўра ҳар гал янгича ижро ва талқин этилади, янгича жило ва жилваларга эга бўлади.

1970 йилнинг қишида Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги бир воқеани эслайман: урганчлик бахши Қодир созчини тўйга таклиф қилишди. Меҳмон сифатида мен ҳам шу тўйга бордим. Бахши «Ошиқ Ғариб

¹ Замонбек. Дoston. «Наманган халқ оғзаки бадий ижоди намуналари» китобидан олинди. Лйтувчи: Алимқул бахши Ниёзов. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчилар: Т. Ғозибоев, А. Собиров. Наманган, 1993, 93-б.

ва Шоҳсанам» достонини завқ билан бошлади. Аммо тўй қатнашчилари у куйлаётган достонга қизиқиш билан эътибор бермадилар. Йиғилганлар кўпроқ ичкилик ичиш, ўзаро суҳбат билан машғул бўлдилар. Қодир созчининг кайфияти бузилиб, достонни айтишга бўлган иштиёқи дақиқама-дақиқа пасайиб бораётганини аниқ кўриб турдим. Натижада, у соатлаб айтиладиган «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонини бир соатга бормай тугатишга улгурди.

Иккинчи бир воқеани ҳам яхши эслайман. 1992 йилда профессор Муҳаммаднодир Саидов, филология фанлари номзоди Тойир Ҳайдаров билан ҳамкорликда Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманига қисқа муддатли экспедицияга бордик. Бизга филология фанлари номзоди, доцент марҳум Абдумўмин Қаҳҳоров ҳамроҳлик қилди. Машҳур Қодир бахшининг тўнғич ўғли Қаҳҳор бахши «Малласавдогар» достонидан парча ижро этди. Буни қарангки, бахши Америка Қўшма Штатларига қилган сафаридан эндигина қайтиб келган экан. Кайфияти жуда яхши, маълум муддат давомида ҳамқишлоқларини соғинган, ҳамқишлоқлари ҳам унинг достон айтишини кўмсаб туришибди. Мана шундай қулай вазиятга тўғри келганимиздан биз мамнун эдик ва бахшидан умидимиз катта эди. Ҳақиқатан ҳам, илҳом билан бошланган ижро машқи ўзининг самарасини берди. Қаҳҳор бахши чавандозларнинг пойгага тайёргарлик кўриш лавҳасини икки соатдан ортиқ вақт давомида куйлади. Пойга иштирокчиларининг ташқи қиёфалари, отларнинг зоти, уларнинг ранглари, қайси пойгаларда ғолиб бўлганлари шу қадар мукамал таърифланди ва тасвирландики, тингловчилар илҳом билан тўлқинланиб айтаётган бахшини мароқ билан тингладилар. Айни чоқда бахши ижро этаётган достонни мазмунига тингловчиларнинг ҳам номларини қистириб кетди. Айрим кулгили лавҳалар ўйлаб топди. Бу лавҳаларнинг ҳар бирига лойиқ олқишлар олди. Достон ижросини эшитаётган деҳқонободликларда заррача зеркиш кайфиятини биз сезмадик. Бизнингча, ўша куни бахши билан суҳбатда иштирок этган ҳар бир тингловчи достон ижросидан катта таассурот олди.

Маълум бўладики, достон ижроси жуда нозик ижодий жараён бўлиб, бахши бу муддатда ўзига алоҳида эътиборни талаб қиларкан. Шу ўринда яна бир қизиқ воқеани эслашга тўғри келади. 1968 йилда мен Тошкент Давлат университетига эндигина ўзбек халқ оғ-

заки ижоди фанидан дарс бера бошлаган эдим. Машгулотлардан бирида талабаларга ўзбек сўз санъати хазинасининг бойлигини эътирос билан тушунтириб, дostonлар ҳақида ҳам гапириб бердим. Аммо у пайтларда халқ дostonлари бугунгидек радиода, телевидениеда бахшилар ижросида эшиттирилмасди. Халқ бахшиларининг кўриклари ҳозиргидек уюштирилмасди. Шунинг учун студентлар дostonни бахши ижросида эшитмоқчи ва дoston ижроси жараёнини кўрмоқчи эканликларини билдирдилар. Мен бу истакни профессор Малик Муродовга айтганимда, Қашқадарё вилоятидан тақдир тақозоси билан кўчиб келган Чори бахши Хўжамбердиевнинг Тошкент вилоятидаги Бўка тумани Ҳамза номидаги жамоа хўжалигида бригадир бўлиб ишлаётганини айтдилар. Хоҳлаган пайтда бахшининг уйига меҳмонга боришимиз мумкинлигини ҳам таъкидладилар. Эрта баҳор пайти 10—12 талаба билан бахшиникига меҳмонга бордик. Бир пиёла чойдан сўнг дoston ижроси бошланди. Бахши жуда тўлқинланиб турли дostonлардан парчалар айтдилар. Ҳатто, кеч кириб қолганини ҳам пайқамадик. Мен дoston ижроси пайтида Малик акага кеч кира бошлаганини, Тошкентга қайтиш қийин бўлишини кўзим билан имо қилиб кўрсатдим. Малик ака дostonдан эътиборини чалғитмай бир сония соатларига қараб қўйдилар, холос. Аммо шу ҳаракатнинг ўзи ҳам бахши эътиборидан четда қолмади. Дostonда Гўрўғли Юнус паридан: «Сендан хушрўй пари, мендан бақувват эркак бу дунёда бўлганми?»—деб сўраётган пайти эди. Шу заҳоти Бахши: «Гўрўғли Юнус паридан сўраб турибди. Билмадим на учун Малижон соатига қараб турибди?»—деб даврадаги ҳодисани дostonнинг матнига сингдириб юборди. Бундай ҳолатлар бир дoston ижросида вомида кўплаб учрайди. Бахши ўз тингловчиларини яхши билгани, номма-ном танигани учун дostonни ижро этиш давомида қишлоқ, маҳалла ҳаётига оид воқеаларни эслаб дoston матнига қўшиб юбораверади. Бу усул тингловчиларнинг дostonга бўлган қизиқишини орттириш билан бирга асарнинг эстетик ва тарбиявий қимматини ҳам оширади.

Қадим пайтларда халқ бахшилари махсус дoston айтиш кечаларини уюштирганлар. Бу кечаларда устоз бахшилар, ўрта авлод бахшилари ва шогирд бахшилар иштирок этишлари билан бирга кўплаб мухлис шинавандалар ҳам тўпланган.

Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Пўлкан шоир, Бола бахши—Қурбонназар Абдуллаев, Бўри бахши кабилар устоз шоир сифатида Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона водийси ва бошқа вилоятлардаги қишлоқларда ана шундай йиғинларда қатнашганлар. Улар бир-бирларининг исмларини ўта ҳурмат билан тилга олганлар. Достон айтишдаги ўзларининг устунликларини эмас, балки бошқа бахшиларнинг афзал томонларини кўпроқ мақтаганлар. Масалан, Фозил Йўлдош ўғли Эргаш Жуманбулбулнинг муҳаббат достонларини, хусусан, «Равшан»ни яхши айтишини тан олган бўлса, Эргаш Жуманбулбул ўғли Фозил Йўлдошнинг «Алпомиш» достонини айтишига, айниқса, қаҳрамонлик лавҳаларининг жўшқин талқинига қойил қолганини таъкидлаган. Бундай йиғинларни ҳеч иккиланмай халқ достончиларининг «Маҳорат мактаби» деб аташ мумкин. Чунки уларда ҳар бир бахши ўзининг маҳоратини намоён қилиш, достондаги айрим ўринларни ўзига хос усулда ижро этиш орқали синовдан ўтиш имконига эга бўлган. Устоз бахшилар ҳаваскорларга ўзларининг устозлари ҳақида ибратли ҳикоялар сўзлашган. Қайси достонни қаерда айтиш, қандай айтиш юзасидан маслаҳатлар беришган. Зарур ўринларда эса намуна сифатида достондан ижро ҳам кўрсатишган.

Шу ўринда бахши сўзига қисқа изоҳ бериш маъқул бўлади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «бахши» сўзининг уч маъноси кўрсатиб ўтилган: «1. Халқ достонларини куйловчи шоир, оқин... 2. Дуолар ўқиб, дам солиб, ирим-сиримлар қилиб даволовчи табиб... 3. Бухоро хонлигида: қурилиш учун белгиланган маблағларининг ҳисоб-китобини юритувчи лавозимли киши»¹. Ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганган таниқли олимлар: В. М. Жирмунский ва Х. Т. Зарифов «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси»² китобларида 1947 йилдаёқ «Ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги фикрни қайд этганлар. Аммо шу билан бирга 1928—1930 йилларда Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент вилоятларидаги халқ удумлари, ишончларини ўрганган Леонид Потапов «бахши» сўзи устоз-мураб-

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик, I том, М., «Рус тили» нашриёти, 1981, 86-б.

² Жирмунский В. М. и Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос, М., ГИХЛ, 1947.

бий маъносида келишини ҳам эслатиб ўтади. Ҳар ҳолда «бахши» сўзи қадимдан ўзбек тилида маълум бўлиб, кўп жиҳатдан эътиборли, айниқса, сўз сеҳридан унумли фойдалана оладиган одамларга нисбатан қўлланган. Достон айтувчи санъаткорларга нисбатан жиров, шoir, созчи каби атамалар ҳам қўлланган. Уларни халқимиз ҳамиша ҳурматлаган, иззатини ўрнига қўйган.

Шундай қилиб, ўзбек халқ оғзаки ижодидаги достонлар матн ва ижро нуқтаи назаридан алоҳида қимматга эга жанр ҳисобланади. Достонлар халқ оғзаки ижодининг маълум тараққиёт босқичидагина шаклландир. Биз фикр юритмоқчи бўлган «Алпомиш» достони эса ўзбек достончилигининг шоҳ асари ҳисобланади. Бу достон—ўзбек халқининг бутун дунё халқлари маданий ҳазинасига қўшган муносиб ҳиссасидир. Халқ бахшиларининг маҳорат даражаси кўпинча «Алпомиш» достонини ижро этишига қараб белгиланган. Шунинг учун «Алпомиш» халқимизнинг фаҳри, уни ижро этиш бахшиларга маҳорат мезонидир.

ДОСТОННИНГ ЯРАТИЛИШИГА ЧИЗГИЛАР

Қадимги замонларда ота-боболаримиз табиатда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ўзларининг содда фикр юритишлари асосида изоҳлаганлар. Уларни энг қизиқтирган муаммо дунёнинг қандай пайдо бўлгани эди. Одам қандай пайдо бўлган? Ер юзи, тоғликлар, денгизлар, ўсимликлар қандай пайдо бўлди? Бу саволлар уларнинг дилларига тинчлик бермаган.

Тасаввурларида яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик қарама-қарши тарафда туриб курашадиган кучлар сифатида намоён бўлган. Шундай қилиб, дунёнинг пайдо бўлиши, қуёшнинг чиқиши ва ботиши, фаслларнинг алмашишлари, ер қимирлашлари ҳақида дастлабки ҳикоялар тўқилган. Бундай ҳикояларни ҳозирги илмда мифлар деб аташади. Араб олимлари уларни асотирлар деб аташган. Туркий тилда ҳам уларнинг атамаси бор. Хусусан, Маҳмуд Қошғарий 1076—77 йиллар оралигида ёзиб тугатган «Девону луғатит турк» асарида «сав» сўзига изоҳ беради. Унинг айтишича оталар сўзини эсламоқликни «савлашмак» дейишган экан. Айрим олимлар шунинг учун «сав»ни туркий тилдаги миф билан тенг қўядилар, яъни энг

қадимги ҳикояларни оталаримизнинг сўзлари деб аташ мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бутун дунёда биз тилга олган ҳикояларни миф деб юритишгани учун биз ҳам ана шу атамани қўллашни маъқул деб топдик.

Мифларда ота-боболаримизнинг орзулари ҳам акс этган. Улар ўзлари яхши кўрган, ҳурмат қилган одамларнинг қасал бўлмасликларини, уларга қилич, ўқ ўтмаслигини, ўтда ёнмасликларини истаганлар. «Алпомиш» достонида ҳам Ҳақимбек ана шундай хислатларга эга. У достоннинг иккинчи қисмида Сурхайил кампирнинг ҳийла тузоғига илинади: Сурхайил кампир Ҳақимбек ва у билан бирга қалмоқлар юртига келган 41 йигитни алдаб маст қилиб қўяди, улар ётган уйга ўт қўйиб ўлдирилади, аммо Ҳақимбек ёнмайди. Уни чопмоқчи бўладилар, бироқ Ҳақимбекдан қилич ҳам ўтмайди. Ҳақимбекдаги бу хислатлар ўз-ўзидан пайдо бўлган эмасди. Унга исм қўяётган Шоҳимардон пири елкасига панжа урган эди. Бу эса Ҳақимбекнинг Худо ёрлақаган одамлар қаторига қўшилиш белгиси бўлди. «Алпомиш» кўп замонлар диний қарашлар таъсирини ўзига сингдириб бизгача етиб келганлиги, унда мифларни эслатувчи белгилар бўлганлиги сабабли олимлар достоннинг вужудга келиши, яъни шаклланиш илдизлари жуда қадимга бориб тақалишини қайд этадилар.

Достонда бугунги кун нуқтаи назаридан жуда қизиқ ва ҳайратли туюлган яна бир фикр бор. У ҳам бўлса Тойчихон—қалмоқлар юртининг подшоси қўлида хизмат қилаётган 90 алпнинг Барчинойга уйланоқчи бўлишидир. «Тўқсон алпнинг зўри Кўкалдош туриб айтди: “Келган бой, сенинг бир қизинг бор экан, қани, биримизга берасанми, баримизга берасанми? Биримиз олайликми ё баримиз олайликми?”» (59-б.).

Жамият тарихида «полигамия»га асосланган оила тизими бўлган. Полигамия дегани кўп никоҳлилик бўлиб, бир аёл ва бир неча эркакнинг ёки аксинча бир эркак ва бир неча аёлнинг бир оилада ҳаёт кечиришидан иборатдир. Табиийки, бахши ўз ҳаёти тажрибасида бундай оила тарзидан беҳабар бўлган. Хўш, унда достонга бу жумла қандай қилиб сингиб кетди экан? Устига-устак эртаси куни Бойсари олдига келган алплар яна кечагидек: «Қани, келган бой, маслаҳатни қаерга қўйдинг, биримизга бермоқчи бўлдингми, баримизга бермоқчи бўлдингми?» (64-б.)—деб сўрайдилар. Айнан шу гапнинг ўзини Кўкалдош яна Барчинга қа-

рата қайтаради. Шулардан маълумки, бу гап достонда тасодифан пайдо бўлган эмас. Олимларнинг таъкидлашича, «Алпомиш» достони ўтмиш замонларда миф, афсона, эртак тарзида айтиб келинган. Уша пайтларда асарнинг мазмунида юқоридаги лавҳа бўлган. Кейинчалик достон шаклида айтилганда ҳам бахшилар достондаги кескинликни бўрттириш, Барчинга қалмоқ алпларидек (талабгорлар) кўплигини таъкидлаш учун бу лавҳани сақлаб қолган бўлишлари мумкин.

«Алпомиш» достонининг узоқ ўтмишда яратилганини аниқлаш мумкин бўлган яна бир белги бор. У ҳам бўлса, бир неча халқларнинг оғзаки ижодида яқин мазмундаги аслида битта асарнинг бир-бирига ўхшаш номлар билан сақланганидир. Халқ оғзаки ижодини ўрганувчи фольклоршунослик фанида бундай нусхалар версиялар деб аталади. Олимлар «Алпомиш» достонининг тўртта йирик версияси борлигини қайд этадилар. Жумладан, В. М. Жирмунский ўзининг «Турк қаҳрамонлик эпоси» китобида Алпомиш мазмунидаги асарнинг қўнғирот, ўғиз, қипчоқ, олтой версияларини кўрсатиб ўтади¹. Шулардан, асосан, қўнғирот версияси ҳисобланган ўзбек бахшилари куйлаган достон ҳажм ва бадият жиҳатдан мукамалдир. Қолган версияларда кўпроқ эртакка ўхшаш баённи учратамиз. Албатта, асарнинг қимматини унинг эртак ёки достон шаклида экани белгиламайди. Аммо Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Алпомиш» достони воқеаларнинг ҳар тарафлама тўлиқ баён этилиши, асар қаҳрамонларининг хусусиятлари етарли даражада атрофлича ёритилиши, бадий тасвир воситаларининг бойлиги жиҳатдан ажралиб туришини ҳамма олимлар тан олишган ва исботлаб беришган. В. М. Жирмунский «Алпомиш» достонининг ўғиз версияси ҳақида гапирганида, Дадам Қўрқут номини ёдга олади. Туркий халқлар тарихида Дадам Қўрқут номи билан машҳур воқеалар бор. Илмий адабиётларда маълумот берилишича, Қўрқут исми тарихий шахс VII асрда яшаб ўтган. Кейинчалик у туркий халқларнинг миллий қаҳрамонига айланади. Уни табаррук ва азиз ҳомий қаторида кўрадилар. Қадимги китобларда лавҳалар борки, уларда Қўрқут отанинг бирон кимсага: «Исминг-

¹ Жирмунский В. М. Тюркский героический эпос. Ленинград, «Наука», 1974, 117—348-б.

ни ман бердим, умрингни Оллоҳ берсин», — деб дуо қилгани айтилади. У ҳақдаги ҳикоя ва ривоятлар «Китоби Дадам Қўрқут» номи билан шуҳрат қозонган.

Ҳатто, Алишер Навоий ҳам Дадам Қўрқут ҳақида халқ орасида кўплаб ривоятлар борлигини маълум қилган. Уғиз версиясидаги «Алпомиш» асари эртак жанрида яратилган, Дадам Қўрқутнинг (Алпомишга оталик қилгани қайд этилган. Аммо ўзбек халқи яшаган ҳудудларда Дадам Қўрқут ривоятлари тарқалмаган. Фозил Йўлдошдан ёзиб олинган «Алпомиш» дostonида Дадам Қўрқут образи ўрнига Шоҳимардон пири — Ҳазрат Алининг иштироки кўрсатиб ўтилган.

Шоҳимардон пири Бойбўри ва Бойсарининг фарзанд тилаб қилган илтижоларини Оллоҳга етказди. Кейинчалик Ҳакимбек, Қалдирғоч, Барчинойларнинг исмларини ҳам у қўяди. Бу лавҳаларни ҳисобга олган ҳолда ҳеч иккиланмай «Алпомиш» дostonининг туркий халқлар орасида пайдо бўлган дастлабки нусхасидаги Дадам Қўрқут ўзбек дostonида Шоҳимардон пири билан алмаштирилган деса бўлади.

Шундай қилиб, «Алпомиш» даставвал миф, афсона, ривоят, эртак тарзида дунёдаги туркий элатлар орасида яратилган, кейинчалик эса ўзбеклар истиқомат қиладиган ҳудудларда дoston шаклида ижро этила бошлаган, деган хулосага келиш мумкин. Профессор Б. Саримсоқов фикрича, дoston жанрининг шаклланиш жараёни ана шу йўсинда амалга ошган¹. «Алпомиш»нинг дoston сифатида шаклланиши бу фикрни тасдиқлайди.

ДОСТОНДА ДАВЛАТ ЮРИТИШ ТАДБИРИ

Халқ оғзаки ижодида ёшларни тарбиялаш, юртнинг тарихидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабат билдириш ҳамиша долзарб мавзў ҳисобланган. Адолатпарварлик, ҳалоллик, иқтисодий жиҳатдан қийналган инсонларни қўллаб-қувватлаш оғзаки ижодда устувор йўналишларни ташкил этган. Меҳнаткаш омма тасавурида юртни бошқарувчи шахс тахтга ўтиришдан аввал ўзининг бир неча фазилатларини намойиш этиши зарур бўлган. Хусусан, адолатпарварлиги, юртни чет эл босқинчиларидан ҳимоя қила олиши,

¹ Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. «Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари» китобида. Т., «Фан», 1981, 97—148-б.

камбағал одамларнинг ҳаётидан хабардор бўлиши шулар жумласидандир. Тахтга ўтириш қонун-қондалари ҳам маълум анъанага боғлиқ эди. Улардан биринчиси, бўлғуси тахт номзодининг адолатли подшоҳ ворисларидан эканлиги, иккинчиси, келиб чиқиши жиҳатидан меҳнаткаш оилага мансуб бўлгани ҳолда ўзини юртбошилиқ иқтидорига эга эканлигини намойиш этиши, учинчиси, давлат қуши учирилганда унинг бошига келиб қўниши, тўртинчиси, ақли, зеҳни, ботирлиги, мардлиги билан ўғил фарзанди йўқ подшоҳнинг қизига уйланиши ва ҳоказолар. Эرتак ва дostonларимизда халқ ҳеч қачон юртни бошқариш вазифасини тасодифий одамга ёки адолатсиз, нопок шахсга кўр-кўрона топширган эмас.

Эпик асарларнинг салмоқли қисмида, албатта, подшоҳ, хон, амир, ҳоким каби образлар мавжуд. Улар ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатларини билдириб ҳурмат топадилар ёки омма қарғишига дучор бўладилар. Биз дoston ва эртакларда, бир томондан, бутун халқнинг бирор кимсага тож-тахтга ўтиришни илтимос қилиш ҳолатини, иккинчи томондан, подшоҳнинг халқ қаҳрига учраб жазоланишини кўра-миз. Ҳар икки ҳолатда ҳам тахтнинг эгалланиши Парвардигорнинг амри, халқнинг хоҳиши билан амалга оширилади. Шундай асарлар борки, уларда давлатни бошқарувчи шахс жазоланади, ҳалок бўлади. Бундан кўринадики, муайян вазиятда халқ истагининг ижобат бўлишини кўриш мумкин. Гўрўғли қирқ йигити билан Чамбил шаҳрига асос солди. Чамбилдаги сиёсий ва маиший ҳаёт Гўрўғлининг давлатни бошқариш иқтидорига боғлиқ бўлди. Тарихий маълумотларга қараганда, қишлоқлардаги адолатталаб йигитлар Гўрўғлини ҳаётда бор деб ўйлаган ва унинг хизматига ўтиш учун яшаб турган жойларини ташлаб кетганлар. Уларнинг фикрича, Гўрўғли меҳнаткаш халқ қадрига етувчи адолатли ҳукмдор бўлган. Унда халқнинг қасосини олиш фазилати ҳам зарур пайтларда кўзга ташланган. Юртимизнинг турли вилоятларидан ўтмишда халқ қасоскорлари сифатида отилиб чиққан Намоз, Ниёз каби халқ қасоскорлари бунга асос бўлган. Биз билдираётган мулоҳазалар Туркистон ўлкасида феодал жамияти вужудга келган, давлат тушунчаси барқарор бўлган даврга мансубдир. Агар биз халқимиз оғзаки ижодидаги эртак ва дostonларни эътибор бериб ўргансак, ҳаётда жамият тушунчаси етарли даражада

қарор топмаган замонлар ҳақида ҳам ҳикоя қилувчи асарлар мавжуд эканлигини кўрамиз. «Алпомиш» достони, бизнингча, ана шундай санъат намуналаридан биридир: Профессор М. Саидов ўзининг «Ўзбек достончилигида бадий маҳорат» асарида биринчи марта бу ҳақда ўз фикрларини баён этган.

У шундай дейди: «...“Алпомиш”да ўзбек халқининг қабилачиликдан феодализмга кўчиш, феодализмнинг дастлабки кунлари тасвир этилганини кўрамиз»¹. Ҳақиқатан ҳам, «Алпомиш» достонида зийрак тингловчи, китобхон Ҳакимбекнинг Бойсин, Қўнғирот юртига биринчи подшоҳлик қилганига амин бўлади. Достоннинг дастлабки қисмида Добонбий, Алпинбий деган юрт бошқарувчиларининг номлари зикр этилган. Шунингдек, «Бойсари бой эди, Бойбўриси шой эди» (14-б.) дейлади. Айни чоқда шой сўзига «шоҳ» деб изоҳ берилди. Бизнингча, мазкур изоҳ достонда акс эттирилган халқ ҳаётини белгиловчи давлат тузумининг маъмурий жиҳатларини аниқ ифодаламайди. Буни қуйидагича мулоҳазалар билан исботлаш мумкин деб ўйлаймиз:

1. Бойбўри Қўнғирот элининг шоҳи бўлса, ҳар қандай шароитда ҳам тўйга келганида унга бўлган муносабат достонда ифодалангани каби бу қадар ёмон даражага етмас эди.

2. Бойбўри подшоҳ сифатида ўз юртидаги фуқаросидан закот талаб қилишига ҳақлидир. Бинобарин, Бойсари закот беришдан бош тортиши мумкин эмас. Бойсари закот тўлашдан бош тортиб қалмоқ юртига кўчиб кетар экан, у закотни ўтмишдан қарор топиб келаётган тартибга нисбатан адолатсизлик деб тушунгани учун унга қарши бош кўтарган ҳисобланади. Халқ достонларида эса бундай ҳаракат, асосан, тақдирланган. Достондаги Бойсарининг фожиали тақдири биз қайд этган анъанага мос келмайди.

3. «Шой» сўзи «Алпомиш» достонида Сурхайил мастонга нисбатан ҳам қўлланилган. Шунингдек, достонда Бойсарининг қалмоқ элидаги мавқеини ҳам бир неча марта «шой» сўзи билан берилганини кўрамиз: «Бойсари ҳам юртнинг шойи» (194-б.).

Маълум бўладики, «шой» сўзи нашрда қайд этилганидак «шоҳ»ни эмас, эл орасида катта обрўга эга

¹ Саидов М. С. Ўзбек халқ достончилигида бадий маҳорат масалалари. Т., «Фан», 1969, 145-б.

бўлган нуфузли одам тушунчасини англатади. Профессор М. Саидов «Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат» рисоласида Ҳакимбекнинг Қўнғирот юртида биринчи марта давлат тизимини вужудга келтириш ҳаракатини амалга оширгани ҳақида кўплаб далилларга муурожаат этган. Бизнингча, Ҳакимбекнинг давлатни бошқариш сиёсати ҳақида фикр юритар эканмиз, бу мулоҳазаларни назарда тутмаслигимиз мумкин эмас.

«Алпомиш» дostonида давлатни бошқариш, мамлакатда истиқомат қилувчи фуқаролар билан самарали муносабатда бўлиш, давлатнинг иқтисодий ва сиёсий мавқеини кўтаришга интилиш каби сиёсий масалалар дostonда кўп марта ўз ифодасини топган. Уларнинг айримларига муурожаат этамиз.

«Алпомиш» дostonининг биринчи қисмида Қўнғирот юртидан қалмоқлар элига бошпана излаб келган Бойсари бошлиқ ўн минг уйли жамоа, бу юртдаги экилган бугдойларни пайҳон қилиб, от-уловига едириб юборади. Бундай жиноятни жазосиз қолдирмаслик учун қалмоқ элининг подшоҳи Тойчихон¹ фармонига биноан Бойсари унинг ҳузурига келтирилади. Бойсарининг ким эканлигини, унинг иқтисодий аҳволи қай даражадалигини билган Тойчихон Бойсарини жазоламайди. Қалмоқларнинг бугдой ҳосили эвазига берадиган солиқларидан ҳам воз кечади. Кўчиб келган Қўнғирот эли одамларини етти йил давомида ҳар қандай солиқлардан озод этади. Айрим китобхонлар бу қарорларни Тойчихоннинг мурувватли, адолатли подшоҳ эканлигини кўрсатувчи далил сифатида қабул қилдилар. Аслини олганда Тойчихон қарорини ўта мураккаб вазиятни ҳисобга олган тажрибали, тадбиркор подшоҳдан кутиш мумкин эди. Тойчихон китобхон ўйлаганчалик содда, мурувватли шоҳ эмас эди. У катта ҳаёт тажрибасини тўплаган устомон шахс сифатида ҳаракат қилади. Бу ерда гап Тойчихоннинг Бойсари билан ўн минг уйли жамоа ҳам келганини баҳолай олишидадир. Маълумки давлатнинг мавқеи аҳолининг сони, иқтисодий имконияти билан боғлиқ. Қўнғирот элидан келган жамоа қалмоқлар юртининг иқтисодий, сиёсий қувватини беқиёс кўтариб юборган эди. Қўн-

¹ Олимлар Чингизхон хонадопидаги мўрул шахзодалари «тойчи» унвонига эга бўлганликларини қайд этганлар. «Тойчи» хитойча «тай-цзи»дап олинган бўлиб, «шаҳзода» маъносини билдирган. Кейинчалик йирик подшоҳлар ўзларини «хонтойчи» деб аташган.

Ғиротликларнинг кўчиб келиши келажакда Тойчихоннинг мавқеини жуда ошириб юборар эди. Давлатининг бойлиги кўпайганлигини тўғри ҳисоблаб чиққан Тойчихон ҳамма солиқлардан аҳолини озод этган эди. Тойчихоннинг ҳақиқий нияти Ҳакимбек томонидан Қўнғирот элини ўз юртига кўчириб олиб кетилаётган пайтда равшан намоён бўлади. Тойчихон энди Алпомиш бошлиқ кўчиб кетаётган элни қалмоқлар юртида олиб қолиш учун лашкар юборади. Чунки у қўғиротликлардек бой жамоанинг ўз тасарруфидан чиқиши давлатининг мавқеини пасайишига олиб келишини тўғри англаб етган эди.

Давлатни бошқарувчи раҳбарнинг асосий фазилатларидан бири айтилган сўзга эгалликдир. Халқ ҳеч қачон сўзида турмайдиган, фикридан тез қайтадиган давлат бошқарувчисини юртбоши сифатида ҳурмат қилмайди. «Алпомиш» достонида бу маҳорат билан ўз ифодасини топади. Ҳакимбек Бойбўрининг умр бўйи интиқлик билан кутган фарзандидир. Одатда бундай фарзанднинг дунёга келиши мамлакат ва халқ ҳаётида кескин ўзгаришларни тақозо этади. Ҳакимбек Қўнғирот юртининг тақдирида давлат ташкил қилувчи арбоб сифатида намоён бўлади. У илмли бўлгани учун закот тушунчасини топади. Закот эса профессор М. Саидов фикрича давлат вужудга келишидаги дастлабки белги эди. Ҳакимбек ўз режасини амалга ошириш учун Қалмоқ юртига кўчган ўн минг уйли ҳамюртларини Қўнғиротга қайтариб келишга қарор қилади. Барчинга уйланиш ҳам қонуний жиҳатдан Ҳакимбекка Бойсарига қарашли юрт қисминини эгаллаш имконини берар эди. Шундай қилиб, кўчиб кетган жамоани қайтариш бир томондан Ҳакимбекка юртнинг ҳақиқий эгаси бўлиши учун маънавий ҳуқуқни беради. Иккинчи томондан Барчинга уйланиш Бойсари элига ворислик қилиш имконини яратади.

Достонда подшоҳ бўлувчи шахснинг жисмоний жиҳатдан ҳам бир қатор талабларга жавоб бериши лозимлигини ифодаловчи тушунча ҳам бор. Бу тушунча Барчин шартларини амалга оширишда аниқ сезилади.

«Алпомиш» достонида юртга бошчилик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга нисбатан халқнинг алоҳида ҳурматда бўлиши таъкидланади. Алпомиш етти йиллик зиндон азобидан қутулганидан сўнг Тойчихон ва унинг лашкарини енгади. Унинг олдида қалмоқлар юртига кимни подшоҳ қилиб қўйиш масаласи кўндаланг бўлиб

туради. Халқ ижодкорлари дostonда ана шундай мураккаб вазиятни акс эттириш билан ҳам ўзларининг нақадар етук сиёсатдон эканликларини кўрсата олганлар. Чунки Алпомишнинг ўзи бу юртга подшоҳлик қила олмас эди. Уни Ултонтоз ҳукмронлиги остида эзилаётган қўнғиротликлар кутар эдилар. Айни пайтда Қалмоқ юртидан ҳам давлатни бошқара оладиган биронта одам топилмайди. Шундай вазиятда китобхон эътиборини Қайқубод ўзига жалб этади. Халқ салоҳиятига шунинг учун ҳам тасаннолар айтишга мажбур бўласаяки, Қалмоқ юртига Алпомишдан олдин Тойчихоннинг қизи Тавка ойим таърифини эшитиб келган Қайқубод тахтга ўтириш шарафига муяссар бўлади. Бу ишни амалга оширишда айрим тўсиқлар бор эди. Биринчидан, Қайқубод Қўнғирот элининг фарзанди. Агар у зўрлик билан Тойчихон тахтини эгалласа, дostonда босқинчилик сиёсати амалга ошган бўлар эди. Бундан ташқари Қайқубод эл орасида ақл ва жисмоний қувват жиҳатдан тан олиниб, тилга тушган эмасди. Иккинчидан, Қайқубод кўп йиллардан буён чўпонлик билан кун кўриб юрган оддий бир хизматкор эди. Уни тўғридан тўғри тахтга ўтқазиш маънавий ҳуқуқсиз одамни подшоҳ қилиш билан тенг бўларди. Учинчидан, Алпомиш зиндондан қутулиб чиқса, Тавка ойимга уйланиш ваъдасини берган эди. Хуллас, бу тўсиқлар Алпомишнинг тадбиркорлик билан иш кўришини тақозо этарди. Алпомиш бу муаммоларни зудлик билан ҳам оқилона, ҳам самарали ҳал қилиш йўлини топади. Жумладан, Қайқубоднинг бошига ёпиштирилган қўйнинг ошқозони ивителиб, ювиб ташланганидан сўнгу келишган йигитга айланади. Тавка ойим ўз ихтиёри билан Алпомишдан уни афзал кўради, унга турмушга чиқиш истагини билдиради. Қайқубод Тавка ойимга уйланади. Энди у Тавка ойимнинг эри сифатида қалмоқлар мамлакатининг подшоҳи бўлиши мумкин эди. Ундан ташқари, Алпомиш ўйлаб топган тадбирга биноан Қайқубод атайин Алпомишни бадном қилади. У дўқ-пўписалар билан эл олдида Алпомишни қўрқитади. Атрофдаги одамлар Қайқубоднинг Алпомишдан бақувват эканлигига гувоҳ бўладилар. Бу сиёсат Алпомиш томонидан ўйлаб топилган ҳийла эди. Шундай қилиб, Қайқубод Алпомишни жисмоний жиҳатдан “енгади” ва подшоҳлик қилишга лойиқ эканини кўрсатади. Бу ечим дostonнинг дастлабки қисмидаёқ режалаштирилган эди. Асар охирида ана шу режа усталик

билан жорий этилгач, қалмоқлар юртига Кайқубоддан бошқа одамнинг шоҳлик қилишига имкон қолмайди. Демак, дostonнинг бошланиш қисмидаги режа ўзининг ечимини топади. Алпомиш қалмоқларнинг Кайқубодга тўлиқ бўйсунини таъминлайди. Бу билан Тойчихон элининг эндиликда Алпомишга қарашли эканини ҳам асослайди.

Фозил Йўлдош ўғли дostonда давлат бошлиғи томонидан махсус тайинланган одам савдо-сотиқ ишларини муттасил назорат қилиши лозимлигини ҳам унутмаган. Маълумки, Шарқ мамлакатларида бозор эл-юртнинг ризқ-рўзи, томир қони билан тенг кўрилган. Лекин бозор бор жойда ҳамиша қаллоблик, хиёнат, аҳолини алдаш ниятида юривчилар бўлади. Тойчихон юртида подшоҳнинг қизи Тавка ойим янги бозордаги савдони бошқаради. Бу муҳим вазифани бажаришда унга ёнидаги қирқ канизи ёрдам беради. Уларнинг ҳар бири алоҳида ўз зиммасига юклатилган вазифани бажаради. Бозордаги тарозиларнинг тошини назорат қилиш, тоши енгил чиққан қассобларнинг таъзирини бериш, бўйи ва энига ўлчанадиган молларнинг қаламисини — ҳозирги кун тушунчаси билан метрини текшириш, ўлчовдан кам келганига чора кўриш, қўй бозорларидаги аҳвол билан танишиш ҳақидаги лавҳалар гўё «Алпомиш»нинг бу масалаларга бугунги кун талаблари билан ёндошгандек туйғуни ҳосил қилади.

Бахши одатда бирон фикрни ўз ҳолича, шунчаки истак билан дostonга киритмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ижрочи ҳамиша атрофдаги тингловчиларнинг руҳини, истаги ва хоҳишини ҳисобга олиб борган. Шунинг учун ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ё дoston ёзиб олинган даврда бозордаги олди-соттилар жараёнида кўп камчиликлар рўй берган, ёки дoston айтилган ҳудудда бозорни назорат қилишга эҳтиёж сезилган. Ҳатто, дostonнинг ижроси давомида бозорни назорат қилишга масъул шахснинг тингловчилар орасида бор эканини ҳам тахмин қилиш мумкин. Ҳар ҳолда бозорни текшириш лавҳаси каби ўта ҳаётий воқеаларнинг дoston мазмунидан ўрин олиши тасодифий эмас. Бу лавҳа билан давлатнинг яна бир вазифаси: ўз тасарруфидаги ҳудудларда бозорларни доимий назорат остида тутиш лозимлиги таъкидланади.

Шу билан бирга Тавка ойимнинг бозордаги муносабатларга бошчилик қилиши асарни ўрганадиган мутахассисларнинг эътиборини бошқа жиҳатдан ҳам ўзига,

жалб қилиб келмоқда. Гап шундаки, Алпомишнинг юрти Бойсин, Қўнғирот деб аталади. Ўзбек номи билан аталувчи халқ шу ерларда истиқомат қилади. Қалмоқлар юрти олти ойлик йўл нарида жойлашган бўлиб, у ерлардаги ҳаёт тарзи дoston мазмунига кўра даштодаларини эслатиши керак. Дostonда ўзбекнинг одатлари, расм-русмлари, кийиниши, ўтовларни безаши қайта-қайта тилга олинади ва шу йўл билан турмуш даражасининг юқорироқ экани таъкидлангандек бўлади. Аммо бу фикрга қарама-қарши мулоҳаза юритиш учун ҳам асослар йўқ эмас. Биз биламизки, ўтроқ ҳаёт кечириш, экин-экиш ва деҳқончилик билан машғул бўлиш кўчманчиликдан маълум даражада юқори туради. Дostonнинг биринчи қисмида Бойсари одамлари Тойчихон юртидаги экин-тикинларни табиий ўсаётган ўт ҳисоблаб чорвасига едириб юбориши воқеаси Бойсин, Қўнғирот элининг турмуш даражасига аниқлик киритиши тақозо қилади.

Шунингдек, дostonда қалмоқлар юртидаги подшоҳнинг давлатни аниқ бошқариш усуллари тўлиқ ифодаланган. Бу элда солиқ олинади. Солиқнинг ҳажми ва миқдори бор. Аммо Бойсин элида ҳали бундай тушунчалар аниқ шаклланмаган. Қолаверса, биз юқорида қайд этганимиз бозорни бошқариш ҳақидаги фикрларни бойсинликларга татбиқ этиш ҳам ортиқчадек туюлади. Булар хусусида тингловчи тўлиқ ва атрофлича фикр юритиб, дoston тасвирларига ҳайрон қолиши мумкин. Дostonда ўзбеклар билан қалмоқлар турмушининг бу тарзда белгиланиши халқ ижодидаги шартлилик натижасидир.

Мазкур лавҳа кўчманчи ўзбекларнинг қўшни ўтроқ халқ билан қадимдан ижтимоий, маиший муносабатда бўлганлигини тасдиқлайди.

Ҳеч бир халқ бошқалардан ўзини кам билмайди, балки имкон борича устунлигини таъкидлашга уринади. Шундан бўлса керак, дostonчи ўтроқ халқ билан муомала ҳақида ҳикоя қилганида бойсинликлар турмуш тарзини камситмаслик йўлини танлайди. Кези келганда «қалмоқ» сўзига урғу бериб, «ўзбек»ни устун қўяди. Бунинг ўстига дostonни ижро этаётган даврда ўтроқ халқ билан ёнма-ён аралаш яшаётганини, тингловчилар орасида уларнинг вакиллари ҳам иштирок этишини эътибордан соқит қилмайди. Шу сабабли ҳам дostonчилар ўтроқ турмуш тарзига эга бўлган халқни Бойсин, Қўнғирот элининг эски ғаними

қалмоқ номн билан атаган. Ҳар ҳолда бу муаммонинг ҳақиқати тўлиқ ҳал этилмаганини кўрсатиб ўтиш лозим.

Билинигча, дostonдаги давлатни бошқариш сиёсати исарининг сўнгги қисмида алоҳида ўрин эгаллаган. Маълумки, халқимиз тарихидаги жуда кўп кўнгилсиз воқеалар подшоҳларнинг атрофларидаги эгри кўнгилли одамлар ғийбатларига қулоқ солишлари оқибатида рўй берган. Ўз пайтида Алишер Навоий ҳам қуйидаги байтни бежиз ёзмаган бўлса керак:

Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш не тонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар руҳдек қироқ.

Буюк шоиримиз бу байтда подшоҳлар ёнини ҳаром ишлар билан машғул бўлган, турли нотўғри йўллар билан кун кўрувчи фарзин каби одамларнинг эгаллаб олганидан ажабланиш керак эмаслигини, шоҳлар ҳаммиша оқил ва ҳақиқатпарвар одамларни шахмат тахтасидаги рух каби узоқда тутишини ўта гўзал кўринишда ифода этган. Фозил Йўлдош ўғли куйлаган дoston нусхасида давлатни бошқариш масъулиятини ўз зиммасига олган шахс ўз юртида рўй бераётган ҳар бир воқеа, ҳодисадан шахсан ўзи хабардор бўлиши лозимлиги таъкидланади. Мунофиқ одамларни биронининг етказган хабарига қараб эмас, ўзи ишониб комил бўлган далил асосида жазолаш кераклиги уқтирилади. Алпомиш етти йил зиндонда ётганидан сўнг Қўнғиротда рўй берган кўнгилсиз ўзгаришларни ўз кўзи билан кўриши заруратини ҳис қилади. Етти йил муддат давомида синглиси Қалдирғоч, дўсти Қоражон, хотини Барчиной, отаси, онаси ва бошқа яқинлари хўрланган эдилар. Алпомиш тарафидаги одамлардан биронтаси Ултонтоз зулмидан қочиб қутулолган эмасди. Шу боис Ултонтоз билан Барчин тўйи устига етиб келган бўлишига қарамай, дўст ва душманни аниқ ажратиш олиш учун Қултой қиёфасида тўйга кириб боради. Ҳатто, тўйда Ултонтознинг онаси Бодомбикач билан айтишувга киришади. Ёдгорнинг ҳақоратланишига, Барчинойнинг ўз хоҳишига қарши ҳолда турмушга чиқаётганига, атрофдаги одамларнинг зўрлик билан юртни бошқариш ҳуқуқини тортиб олган Ултонтозга бўлган муносабатига ўзи гувоҳ бўлади. Ана шундан сўнг ўзининг ким эканлигини тўй иштирокчиларига тапитади. Ҳақиқатнинг ғалаба қилишига қўнғиротлик-

ларнигина эмас дoston тингловчиларини ҳам ишонтиради.

Халқ ижодкорлари Алпомишнинг тўйга кетавериш йўлида ва тўйхонада феъл-атвор жиҳатдан тамомила бошқа одам қилиб кўрсатиш устида жиддий ҳаракат қилганини ҳис этиш қийин эмас. Биз бу ўринда Алпомишнинг тўйга кетаётган хотинлар тугунларидаги сомсаларни бошқа нарсалар билан алиштириб қўйганлигини, ўзини ақлий жиҳатдан заиф одам қилиб кўрсатишга уринганини, тўйда Қултой қиёфасида одамларни кулдирганини назарда тутамиз. Энг муҳими, Алпомиш бу лавҳаларда давлатни бошқариш юртбошидан жуда кўп тадбиркорликни талаб қилишини, у ақлий, жисмоний жиҳатдан мукаммал инсон бўлиши кераклигини таъкидлагандек туюлади. Агар «Алпомиш» дostonини эшитишда ўтмишда хонлиқнинг Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё атрофидаги ҳукмдор ва амалдорлари ҳам қатнашганликларини назарда тутсак, бундай лавҳаларнинг ҳаётийлигини, жуда муҳим амалий-тарбиявий аҳамиятга эга эканини тушуниб оламиз.

Шундай қилиб, «Алпомиш» дostonида подшоҳлар амал қилиши лозим бўлган жуда кўп муаммолар ўз ифодасини топган ва ўзига хос гўзал ечимлар билан халққа тақдим этилган. Бундай лавҳалар дostonинг ҳаётий аҳамиятини оширишда, унга нисбатан қизиқиш даражасини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган.

ИНСОН ЭРКИН ҚУЙЛАЙМАН АБАД

Эрк—инсон учун энг буюк неъмат. Эрксиз инсон — озод қушнинг чексиз осмон қучоғида яйраб учиш имконидан маҳрум бўлгандек ҳолатдadir. Шунинг учун ҳам инсон истаги, хоҳишининг амалга ошиши, кўнглида пайдо бўлган режани амалга ошириши учун имкон берилиши эрк белгисидир. Ориятнинг ерга урилиши, номуснинг поймол этилиши, ҳақоратланиш, нафақат эркиннинг жиловланиши, балки таҳқирланиши ҳамдир. Биз кўпинча дилдаги сўзни айта олиш эркинлик гаштини суриш эканини ҳис этмаймиз. Шу боис халқимиз оғзаки ижодидаги биронта асар йўқки, унда инсон ғурури тупроққа белансин. Биронта асар йўқки, одам шахсияти хор этилсин. Агар шундай лавҳа ўрин олган тақдирда ҳам унинг заминида, албатта, муҳим бир фалсафий фикр сингдирилган бўлади. Айниқса, эпик асар-

ларда инсон ғурури, шахс орияти, қабул қилинган ҳаётий қарор ҳамиша ҳурмат билан тилга олинади.

«Алломиш» дostonида, бизнингча, шахс эрки муаммоси бир неча йўналишларда ўз ечимини топган. Улардан бири сўз эркинлигидир. Дostonдаги воқеаларни таҳлил этар эканмиз, асар иштирокчиларининг айтмоқчи бўлган гапларини, фикрларини ҳадиксирамай, иқтисодий ва сиёсий тўсиқларни ҳис этмай иккиланмасдан ифода эта олганликларига гувоҳ бўламиз. Бу фазилат дostonнинг дастлабки қисмидаёқ кўзга ташланади. Маълумки, Бойбўри билан Бойсари ўн олти уруғ Қўнғирот элида энг обрўли одамлардан эдилар. Уларнинг ота-боболари шу элнинг юртбошиси бўлиб ўтганлар. Элни бошқариш навбати Бойбўри ва Бойсариларга келганда, оилавий инқироз хавфи пайдо бўлади: улар фарзанд кўрмайдилар. Халқимизда фарзандсизлик фожиа ҳисобланади. Омма фарзандсиз кишига ҳам ачинади, ҳам маълум даражада ундан ўзини олиб қочади. Дoston мазмуни Добонбий авлодидаги айнан ана шу фарзандсизлик муаммосидан бошланади.

Халқ ижодида ҳамиша узоқ муддат кутилган фарзанд ўзи туғилган муҳитда кескин ўзгаришлар қилувчи хислатга эга бўлади. Шунинг учун ҳам Добонбийнинг Алпинбий деган ўғил кўриши, Алпинбийнинг Бойбўри ва Бойсари исмли фарзандли бўлиши ҳаётнинг бир маромда давом этаётганини англатар эди. Агар Ҳакимбек ҳам ўз отаси, бобоси каби дунёга келганида, у ҳақда алоҳида дoston яратишнинг ҳожати ҳам бўлмасди. Бинобарин, Ҳакимбекнинг туғилишига алоҳида эътибор берилиши табиийдир.

Дoston ижодкори—халқ Бойбўри билан Бойсарида фарзанд кўриш иштиёқи ва заруратини алоҳида уйғотиш учун уларнинг чўпарон тўйга келишлари лавҳасини тақдим қилади. Асосий мақсад Бойбўри ва Бойсарига эндиликда фарзандсиз ҳаёт кечириш мумкин эмаслигини уқтириш, уларни кескин ҳаракатларга давват этиш эди. Иккинчидан, Ҳакимбек, Қалдирғоч, Барчинойнинг туғилиши аввалги авлодларнинг ҳаётга келиши каби оддий ҳол эмаслигини таъкидлаш эди. Шу сабабдан тўйга келган ака-укалар бу сафар ҳар галгидек ҳурмат-иззатга эга бўлмайдилар. Ҳатто, ўзларининг келганларидан тўй эгалари беҳабармикан, деган хаёлга ҳам борадилар. Ана шу ўринда халқимизда «Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб» деганларидек, пойга бетда турган чапанитоб бойвачча ака-ука-

нинг нафсониятига, ориятига тегадиган ҳақ гапни айтади. Агар дostonнинг биринчи саҳифасидаги булавҳага эътибор қилсак, ижодкор ундаги ҳар бир ҳаракатни ўта топқирлик билан тузилган режа асосида амалга оширганини сезамиз. Биринчидан, Бойбўри ва Бойсарига оғир ботадиган гап «пойга бетдан» чиқади. Яъни бу гапни алоҳида нуфузга эга бўлган шахс эмас, ҳамма қатори тўйга келган-кетгани кузатиб турган, тўй хизматида бўлган оддий одам айтган. Иккинчидан, бу шахс оддий бўлиб, жуда фақирлар қаторида қолиб кетган ҳам эмас, балки «бойвачча». Демак, у юртнинг Бойбўри ва Бойсаридан сўнг юртбошилиқ маънавий ҳуқуқсиз одам томонидан эгалланишини истамайди. Учинчидан, «чапанитоб» одамгина ўзидан юқори поғона мавқеига эга одамга ҳақиқатни айта олиши мумкин. Ва, тўртинчидан, у одам ака-уканинг суяк-суягидан ўтиб кетадиган гапни айтиш ҳуқуқига эга. Ҳар қанча оғир бўлса ҳам Бойбўри ва Бойсари ўзларига қарата айтилган кўнгилсиз гап ҳақиқат бўлгани учун эшитишга мажбурлар. Дostonда уларнинг ўксиганлари чўпаронга саксон тилла ташлаганларидан, бедов отларини унсиз «чечиб» уйга етганларидан билинади. Аммо уларнинг биронтаси чапанитоб бойваччанинг сўзларини инкор этмадилар. Бундай гапларни айтишга ҳадди йўқлигини бетига солмадилар. Ҳозирги пайтда дунёдаги илғор ва ривожланган мамлакатларда демократия ҳақида гапириш, такрор-такрор илмий конференциялар ўтказиш одат тусига кирган. Демократик муносабатлар устувор давлатлар ўз иш юритиш, маъмурий раҳбарликни амалга ошириш тизимларидаги аксари муваффақият ва ютуқларни айнан ана шу устуворлик билан изоҳлайдилар. Аммо демократик муносабатларнинг намуналари халқ даҳосининг маҳсули «Алпомиш» сингари асарларда ёрқин тасвирланиб, куйлаб келинганини айрим демократик давлат вакиллари эслармиканлар?!

Дostonда ака-укалар ўртасида закот жанжали бошланганидан сўнг Бойсари ўзига қарашли ўн минг уйли Қўнғирот элини Қалмоқ юртига кўчириб кетиши ёки Бойбўрига закот тўлаб Бойсинда яшашига боши қолиб қолади. Тўғри, агар гап фақат ўзининг оиласига тегишли бўлганида, у бу масалани осонгина ҳал этиши мумкин эди. Аммо ўн минг уйли элнинг тақдирини белгилаш бу қадар осон ҳал этилмайди. Шунинг учун ҳам Бойсари тақдири ҳал этилаётган одамларни жамлаб

Ўзинга хос «референдум» ўтказишга қарор қилади. Бу йиғинни бошлашдан аввал Бойсари вазият билан йиғилганларни таништиради, ҳар ким ўз тақдирини ўзи белгилаши мумкинлигини таъкидлайди:

Оҳ урганда кўздан оқар селоб ёш,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош,
Барчинойим бўй етгандир қаламқош,
Золим билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош.
Қўнғирот элидан молга закот келибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош (19-б.).

Халқ тасаввурига кўра бундай масъулиятли вазиятда йиғинда иштирок этаётган ҳар бир кимса ўз фикрини баён этишга ҳақли. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бахши сўзга чиққан одамнинг оддийлигини таъкидлашга алоҳида урғу бергандек бўлади: «Шу мажлисда бир Яртибой оқсоқол деган бор эди. Мажлисли кун бўлса, тўрдан жой тегмай, пиёладан чой тегмай, бўсағанинг олдида ковушга жой бермай, ковуш билан аралашиб, ит йиқилиш бўлиб, пойга бетда ётар эди» (20-б.). Бойсарининг сўраган маслаҳатига Яртибой жуда сиёсатдонларча жавоб беради. У дастлаб Бойсарининг ўз уруғига юртбоши эканини таъкидлайди. Унинг қарорига ҳамма кўнишини ва ҳақиқатан ҳам закот тўлаб яшагандан кўра ўзга юртга кўчиш маъқуллигини айтади:

Маслаҳат бермаймиз Бойсарибийга,
Осилмаймиз Бойбўрининг дорига,
Биринг ака, биринг ука, Бойсари,
Маслаҳатни, шоҳим ўзинг биласан (20-б.).

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бошинг омон, давлатингни кам дема.
Сен кетар бўлсанг, қалмоқ юртига
Бул элатни қолар деб ҳам ғам ема (23-б.).

Бойсари чақирган йиғин шу йўсинда қалмоқ юртига, кўчиш қарорига келади. Профессор М. Саидов ўзининг «Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат» китобида дostonда иштирок этувчи авлодларни шартли равишда икки гуруҳга ажратади. Оталар гуруҳини Бойбўри ва Бойсари, болалар гуруҳини Ҳакимбек, Қалдирғоч ва Барчиной таъкил этади. Бу ўринда сўз эрки муносабати билан Барчинойнинг онаси билан бўлган суҳбатини ҳам эслаш мақсадга мувофиқдир.

Қалмоқ юртига кўчишга жазм этган минглаб одамлар орасида фақат Барчиной бу қарорга қўшилмаганини изҳор этади. Ёш бўлишига қарамай у ҳам ўзининг сўзлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, онасига ўз мулоҳазаларини билдиради:

Абзаллаб келтирдинг ҳайвон тўрингди,
Бул кўчишинг, эна, менинг шўримди (р).

Хотин бўлмасмикан эрнинг вазири,
Эр деганининг ақлин олмас бўлурми,
Алдаб-сулдаб йўлга солмас бўлурми (27-б.).
Кўн жафони бизга солар қалмоқлар,
Бой отамман бий бобома не бўлди,
Насихат қилмабсан, эна муштипар (28-б.).

Агар М. Саидов фикрини эсга олсак, Ҳақимбек закот ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириб, Бойсин элида битта юртбоши раҳбарлик қиладиган давлатни барпо қилиш ғоясини илгари сурган бўлиб чиқади. Бу ғоянинг моҳиятига тўлиқ тушуниб етмаган бўлса ҳам Бойбўри ўғли Ҳақимбек ўйлаб топган янгиликни ҳаётга татбиқ этишга кириша бошлайди. Табиий ўтмиш анъаналари асосида тарбияланган Бойсари ва у бошчилик қилаётган ўн минг уйли Кўнғирот эли бу ғояни қабул қилмайди. Ҳақимбек бошлиқ ёшлар гуруҳининг вакиласи Барчинойгина закотни тўлаш тарафида бўлади ва онасини ўз эрига керакли зарур маслаҳатни беролмаганликда айблайди. Аслини олганда, узоқ муддат интизорлик билан кутилган фарзанд Ҳақимбекнинг Бойсин элида янги ҳаётни бошлашга сабаб бўлиши кўринишдан соддагина бўлиб туюлган закот ундириш ғояси билан бошланган эди.

Халқ, юқорида қайд қилганимиздек, шахс эркини ҳамиша ҳимоя қилган ва ҳар бир одам томонидан билдирилган мулоҳазани ҳурмат қилиш тарафини ёқлаган. Аммо шу билан бирга сўз эрки ҳуқуқидан фойдаланиб айтилган ҳар қандай мулоҳазани ҳам кўр-кўрона мушоҳада юритмай қабул қилишга танқидий муносабатда бўлган. «Алпомиш» достонида масаланинг бу томони ҳам, бизнингча, назарда тутилган. Хусусан, Бойсари қалмоқлар юртининг ҳимоячилари бўлмиш тўқсон алп қизи Барчинойни хотинликка талаб қилиб келганида, самарали ечим топиш мақсадида яна маслаҳат қилиш учун йиғин чақиради. Бойсарининг ўзи Барчинойни тўқсон алп ўртасига ташлаб қўйишни

истамайди, шунинг учун ҳам юртда ўрнатилган таомилга кўра муҳим муаммони ҳал қилиш учун одамларнинг мулоҳазаларини эшитишга мажбур эди. Қизиғи шундаки, бу сафар ҳам эл номидан яна Яртибой сўзга чиқади. У бу сафар ҳам ўз ўйларини аниқ ва равшан ифодалайди:

Хон Бойсари, эшит айтган сўзимди,
Бул алпларга бошлаб келган ўзингди,
Тортинмай берабер энди қизингди,
Ҳазил билма менинг айтган сўзимди.
Бу алпларни куёв қилиб оламиз,
Муна элга тоза эркин бўламиз,
Болаларни тога-жиян қиламиз,
Қариндош бўп биз қатнашиб юрамиз (60-б.).

Яртибойнинг гапларидан маълум бўляптики, уни Барчинойнинг тақдири қизиқтирмайди. Барчинойнинг Ҳакимбекка бешиккерт қилинганидан хабари бўлгани ҳолда уни алпларга топширишни маъқул кўради. Шу баҳона билан у қалмоқлар юртида эркинроқ нафас олиш режасини тузади. Бу сафар ҳам унга сўз эрки берилди, аммо Бойсари унинг маслаҳатини маъқулламади. Бойсари Барчинойнинг жисмоний кучига маълум даражада ишонгани ҳолда алпларни эртаси куни келишга кўндиради. Айни пайтда кўп жиҳатдан Алпомишга хабар беришни ҳам ўйлайди. Юқорида кўрсатиб ўтилган мисоллардан дostonда сўз эркига эътибор берилгани, ҳар бир шахснинг ўз фикрини баён этиш ҳуқуқи борлигининг таъкидланиши маълум бўлади.

Шахс эрки фақат ўз фикрларини баён этиш билан чекланмайди. Шахс эрки инсоннинг истагига кўра ўз тақдирини ўзи белгилашини, ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилишини ҳам тақозо этади. Бу жиҳатдан «Алпомиш» достонида жуда кўп ибратли лавҳалар мавжуддир. Масалан, биз аввалги саҳифаларда Бойсарининг қалмоқлар юртига кўчишни маъқул топгани ва бу истагини амалга оширганини айтган эдик. Инсон ўз тақдирини ўзи белгилаши, айниқса, Барчинойнинг турмушга чиқиши лавҳасида аниқ сезилади. Дастлаб Барчинойни ўғилларига олиб бериш учун Сурхайил совчиликка боради. У ўз мақсадига эришолмаганидан сўнг алпларнинг ўзи қизнинг отасини кўндиришга, ҳатто, унга таҳдид қилишга уринишади. Воқеаларнинг мантиқий ривожидан Барчиной тақдири, аввало отаси, қолаверса, онаси ихтиёрида экани сезилгандек бўлади. Аммо дос-

тоннинг давомида кутилмаган вазият вужудга келади. Бойсари, аввало, алплардан ўйлаш учун бир кунга муҳлат олади. Бир кун ўтгандан кейин эса ўзбекларнинг ажойиб одатларини алпларга маълум қилади: «Биз маслаҳат қип йил ағдариб кўрдик, қизимизнинг йили чичқон экан, ёши ўн тўртга чиққан экан, бизнинг ўзбакнинг расми шундай бўлади: қиз ўн тўртга чиққан сўнг ўз ихтиёри ўзида қолади, бизнинг айтганимизга кўнмай, тепанинг бошига ўтовини тикиб ўтирибди, ўзига борингизлар, ўзидан сўрангизлар, бирингизга тиями, барингизга тиями, ўзидан сўраб билингизлар» (64-б.).

Албатта, Бойсарининг маълумотида Барчинойнинг маслаҳат сўраб қилинган йиғинда ўз эркини ҳимоя қилиб айтган сўзлари таъсири билиниб туради. Яртибойдан кейин Барчиной сўзга чиқиб бир томондан отаси хоҳишига бўйсунганини ва агар Бойсари рози бўлса, алпларга ўзи муомала қилишини айтади:

Хафа бўлма, жоним отам, дарвишим,
Харна деб амр этсанг, ани қилайин,
Қаерда амр этсанг, бориб турайин,
Бу алпларга ўзим жавоб берайин (63-б.).

Шунинг учун ҳам Бойсари алпларга ишонч билан Барчинойнинг хоҳиши ўзида эканини ва унинг ўзига мурожаат этишларини таъкидлайди. Бу лавҳа билан халқимиз биронта инсон тақдирини бошқа бирон шахс ҳал қилишга ҳаққи йўқлигини уқтиради. Ҳақиқатан ҳам, халқ оғзаки ижодидаги эртак ёки дoston каби эпик жанрларда биз биронта одамнинг тазйиқи билан сафарга чиққанини, зўрлик билан турмуш қурганини ёки яна биронта бошқа шу каби ишларни қилганини учратмаймиз. Ҳар бир асар қаҳрамонининг хатти-ҳаракати, асосан, ўз ихтиёрига боғлиқ экани алоҳида кўрсатилгандек бўлади. Ҳатто, эртакларда «борса келмас» деб аталадиган машҳур йўлни танлашда ҳам қаҳрамон ўз ихтиёри билан ҳаракат қилади. Баъзан эртак, дostonларда ўта мушкул вазифаларни бажариш шартлари учрайди, лекин ўшандай пайтларда ҳам охир пировардида сўнгги қарорга келиш қаҳрамоннинг ўзига ҳавола этилади. Шунинг учун ҳам «Алпомиш» дostonида Барчинойнинг турмушга чиқиш муаммосини ижодкор халқ унинг ўзига топширади. Ана шундай нозик вазиятда Барчиной алплардан ўзини ҳимоя қила олиши керак эди. «Алпомиш» дostonининг олтой, ўғиз,

қипчоқ версияларида уйланишни истаган бўлғуси куёв ўзи танлаган қизни курашда енгиш шартини бажариши қайд этилган. Эҳтимол, ана шу анъананинг бир ифодаси сифатида бахшилар Барчинойнинг катта жисмоний кучга эга эканлигини тасвирлайдилар. Йўқса, алпларни ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмас эди. Барчин Кўкаманга жавоб беришда жисмонан ундан қолишмаслигини айтади:

Эшитгин қалмоқлар, айтган тилимман,
Мени олар келмас сенинг қўлингдан (65-б.).

Сўз айткичи сенга мендай муштипар,
Билсанг, мен ҳам, қалмоқ, сенга баробар (66-б.).

Албатта, бугунги кун ўқувчисининг кўз олдида эндигина ўн тўрт ёшга кирган нозик қизнинг барваста алпларга курашда тараф бўлиб чиқишини тасаввур қилиш қийин. Бу ўринда бахшилар халқ оғзаки ижодидаги шартлилик усулидан фойдаланганлар. Барчинни ҳар, томонлама тўқис қиз сифатида тингловчиларга тасвирлаган бахши унинг жисмоний баркамоллигини ҳам ёдидан чиқармаган. Айниқса, бу лавҳанинг ечими жуда гўзал тарзда топилган, дейиш мумкин. Барчинойни зўрлик билан алпларнинг олдида судраб чиқмоқчи бўлган Кўкаманни у кўтариб ерга уради. Кутиш жонига теккан Кўкалдош: «Кўкаманга қаранглар, у бу ёққа чиқмади. Ўзбакнинг қизи билан айланишиб қолдимми?»— дейди. Хабар олгани кирганлар: «Э, ўзбакнинг қизи Кўкаманни босиб ўлдириб қўйибди»,—деб айтади. Демак, халқ фикрича, ҳар ким ўзини жисмоний жиҳатдан ҳам ҳимоя қила олиши лозим экан. Шунда эркинликни тўлиқ ҳис этиш туйғуси шакллана боради. Барчин айти чокда тўқсон алпни ўз хоҳишига кўнишга мажбур қилади, Алпомишни чақириш учун олти ой муҳлат сўрайди.

«Алпомиш» достонида ҳатти-ҳаракат эркинлиги Ҳакимбекнинг қалмоқлар юртига Барчинойни олиб келиш учун отланганида ҳам кўзга ташланади. Тўғри, бу воқеа билан боғлиқ лавҳаларда Қалдирғочнинг Ҳакимбекни сафарга даъват этиши муҳим аҳамиятга эга. Бизнингча, бундай вазиятларда бахши атайин Ҳакимбекни бир оз соддароқ, ўзига ишончсизроқ эканини тасвирлаган. Аммо Ҳакимбек сафарга отланганидан сўнг унинг ҳаракатлари қатъиятли, ўзи шижоатли бўлиб боради. Барчинни олиб келиш учун отланишида ўз

тақдирини ўзи белгилаб иш тутаётгани аниқ ифода-ланади.

Халқ оғзаки ижоди асарларида бўлгани каби, «Ал-помиш»да ҳам ҳар ким ўз ҳаракати учун жавоб бериши шарт ҳисобланади. У тўғри ёки нотўғри қарорга ўз хоҳиши билан келади. Шунингдек, бу қарорнинг оқибати учун ҳам шахсан ўзи жавоб беради. Масалан, Бойсарининг қалмоқлар юртига кўчиб келишига ҳеч ким аралашмайди. Ун минг уйли Қўнғирот эли олти ойлик масофани машаққат билан босиб ўтиб бегона юртда қўним топади. Фараз қилайлик, Тойчихон қўнғиротликларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказмади, деб. Бари бир ўзининг она юртидан узоқда ҳаёт кечириш қанчалар азобли эканини тасаввур қилиш мумкин-ку. Лекин шунга қарамай, Ҳакимбек ўз юртдошларини Бойсинга олиб кетаётганида Бойсари улардан ажралиб қолади. Ўз она юртига қайтиб кетиш таклифини рад этади. Бу билан у ўзини ўзи жазолаётгандек бўлади. Иккинчи томондан Бойбўрининг унга ўтказган аламига жавоб тариқасида ҳам Бойсинга қайтмасликка қарор қилади. Атрофидаги яқин кишиларнинг кетиш ҳақидаги таклифи унга кор қилмайди. Унинг кўнглидаги гапни одамлар келиб Алпомишга шундай тушунтирадилар: «Қайтиб борсам, кўчиб, бориб, ул баччағар (Бойбўри—О. М.), ўғлим бориб ҳам ўзингни олиб келди, ҳам қизингни олиб келди,—деб бетимга таъна қилади» (169-б.). Кўриниб турибдики, дostonларда орият, ғурур баланд баҳоланади, таънага қолиш ориятнинг оёқ ости қилиниши ҳар қандай жазодан олийроқдир. Бойсарига қолса ўз она юртига кетишга тайёр, аммо кейинчалик эшитиши мумкин бўлган гаплар унга тинчлик бермайди, ўжарона ғурури йўл қўймайди. Шу сабаб у ўз юртига кетмайди. Охирги дақиқада Барчиной ҳам унга таъсир қилмоқчи бўлиб икки оғиз сўз айтади:

«Ота не бўлди?»—деб зўрлаб кўради,

Қулоқ солмай Бойсари ўрлаб туради (170-б.).

Аммо Бойсарининг қарори қатъий эди. Бахши унинг қалбидаги оғир мусибатли ҳолатни шундай тасвир этади: «Бойсари қизини узатиб, ун минг уйли Қўнғирот бари кўчиб йўлга кириб, Бойсари қайтиб уйига келиб, ёлғиз қолиб, ҳам юртидан, ҳам қизидан айрилиб, калласи ғувуллаб мусофирлиги асар қилиб қолди» (172-б.).

Эҳтимол, халқ ижодкорлари Бойсарининг аҳволини

тингловчига тушунтирар эканлар, иродаси мустаҳкам эркак киши қиёфасини яратмоқчи бўлгандирлар, эҳтимол унинг ўжар одам экани танқид қилингандир. Бойсари тақдиридаги фожиани ҳис қилди, ўзга юртда якка ўзи қолди, аммо бўйин эгиб акасининг олдига қайтиб боришдан кўра ўжарлик билан оғир қисматни қабул қилди. Ҳатто, дostonнинг иккинчи қисмида Ҳакимбек якка Бойсарини олиб келиш учун сафарга отланади. Бу мақсад йўлида қирқ йигит ва Бектемир нобуд бўлади. Алпомишнинг ўзи етти йил тутқунликда, зиндонда ётади. Лекин ҳамма мушкул доvonлар ордда қолиб, юртга қайтиш муаммоси пайдо бўлганда, Бойсари яна рад жавобини беради. Бундай лавҳалар таъсирида ҳар қандай тингловчида ҳам ўжарлик ва қайсарликка танқидий муносабат пайдо бўлади. Ҳар қандай вазиятда ақл билан мулоҳаза юритиш, ўз ҳаракатини одилона баҳолай олиш туйғуси туғилади. Дostonларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам мана шундай ибратли лавҳалар заминида аниқ намоён бўлади.

Шундай қилиб, халқ эпик ижодидаги дostonлардан бири бўлмиш «Алпомиш» дostonида шахс эрки, сўз эрки, хатти-ҳаракат эркилиги бугунги кун мезони билан ўлчанганда ҳам энг одилона ҳал этилган. Халқ тасаввурида йиллар ва асрлар давомида шаклланган инсон ҳурмати, ҳар бир шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи «Алпомиш» дostonида ҳам мукамал ва демократик ечимини топган.

«АЛПОМИШ»ДА ИСЛОМ

Узоқ ўтмиш замонлардан инсон хатти-ҳаракатларини бошқаришда диний эътиқодлар ҳамиша етакчи вазифани бажарган. Турон элида ҳукм сурган зардуштийлик динининг одоб-ахлоқ қоидалари «Авесто»да ўз ифодасини топган эди. Хусусан, мазкур китобда қайд этилишича, инсон ахлоқи яхши ва ёмон хулқодатларнинг курашувидан иборат бўлган¹. Табиийки, у замонларда ҳам руҳий тарбия ўша давр нуқтаи назаридан баркамол инсон тушунчасининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган ва у пайтларда ҳам ижобий эътиқод ўзаро ҳурмат мезонини ташкил этган. «Алпомиш» дostonида қаҳрамонимизнинг ўтда ёнмас, қилич ўтмас каби хусусиятларининг замини айнан ўша узоқ ўт-

¹ Ўзбек энциклопедияси, 1-жилд, Т., 1971, 88-б.

миш замонларга бориб тақалади. Ҳакимбекнинг жисмоний бақувватлиги эса Қаюмарс, Жамшид каби афсонавий жиҳатларга эга. Бу халқ орзусининг ҳосиласидир. Қадимги тарихчилар: Геродот, Страбон, Клавдий Элиан Аракс (Аму дарё) бўйида яшовчи массагетлар, суғдлар, саклар (бизнинг аждодлар) отда ва пиёда жанг олиб боришга жуда моҳир эканликларини таъкидлаганлар¹. Урта Осиёда ислом дини кенг тарқалиб туркий халқлар ичида қарор топа бориши натижаси исломий қарашлар «Алпомиш»да ҳам ўз аксини топди. «Иймон» тушунчаси инсоннинг маънавий қиёфасини, инсонлигини белгилаш омилига айланди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бирон кимса ўзбекни иймонсиз деса бундан ортиқ ҳақорат бўлмас.

Аслини олганда иймон инонмоқ, ишонмоқ, эътиқод қилмоқ маъносини англатувчи сўздир. Исломий иймон тушунчасига кўра, Оллоҳнинг ҳақлигига, унинг пайғамбарлари ва уларнинг сўзларига, Оллоҳ буюрган ишларни бажаришга бутун қалби ва амали билан ўзини бағишлаган инсон иймонли ҳисобланган. Иймон — руҳий покликни, маънавий мукамалликни, эътиқодий ҳалолликни талаб этувчи мезон. Ватанпарварлик, халқпарварлик, ўз бахтини ҳалол меҳнатдан топиш ҳам ана шу мезон билан ўлчанади. Халқ оғзаки ижоди халқ оммаси, айниқса, ёшлар тарбиясида муҳим омиллардан бўлиб келган. Шу боис оғзаки ижод хазинасидаги асарлар қаҳрамонларининг ижобий ёки салбийлиги ана шу ўлчов билан ўлчанган.

Айни чоқда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, меҳнаткаш халқнинг ислом динидаги қонуи-қоидаларга бўлган муносабатида ўзига хос самимият ва амалиёт ҳам аниқ кўзга ташланади. Исломдаги ҳалоллик, поклик, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, ота-онага ҳурмат, ўз меҳнати билан кун кўриш ва бошқа талаблар ҳар бир инсоннинг маънавий қиёфасини бойитган, олий тарбия мезонларига мос келган. Катта ёшдаги ҳаёт тажрибасига эга қариялар ҳам ўз панд-насиҳатларини шарият тариқатлари асосида амалга оширганлар. Аммо ҳаддан ташқари диний тушунчаларга берилиб ҳаётий юмушлардан воз кечишни ёқламаганлар. Ўз ҳаттиҳаракатлари билан одамлар ўртасида обрў ва ҳурматга эга бўлишнинг устувор йўлини меҳнатда деб бил-

¹ Древние авторы о Средней Азии (мажмуа). Т., 1940, 17—39-б.

ганлар. «Худога ишониб оч қолма», «Сендан ҳаракат, мендан баракат», «Қўл қўлни билар, шариат йўлни» каби халқ мақолларининг яратилиши бежиз эмае. Уларда инсон ҳаётӣй вазиятларини ҳушёрлик билан баҳолаш қобилиятига эга бўлиши лозимлиги таъкидланади.

Халқ бахшиларининг фалсафӣй дунёқарашлари ҳам ана шу тамойилларга асосланади. Достонларда қаҳрамон феъл-атворига ижобӣй баҳо беришнинг бош ўлчови, аввало, инсонӣй фазилатлар билан белгиланади. Эл-юрт ташвишини ўйлаган фарзандлар: Алпомиш, Гўрўғли, Авазхон, Ҳасанхон, каби эл ҳурматиға сазовор бўладилар.

«Алпомиш» достонининг бош қаҳрамони Ҳакимбек, қолаверса, унинг атрофидаги Қалдирғоч ва Барчин-ой, кейинчалик, Қайқубод ва Қоражонлар айнан ана шу жиҳатдан тингловчи (ёки ўқувчи)нинг меҳрини қозонади. «Алпомиш» достонини ижро этган бахшилар Қуръони каримни ёд олган қори бўлмаганлар. Улар шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат босқичларини ҳам алоҳида махсус ўрганмаганлар. Аммо уларнинг тарбия кўрган муҳитларида исломӣй мафкура етакчи ўринни эгаллаган. Шўролар даврида исломӣй эътиқодларини очиқ билдирмай, муросасозлик қилган бўлсалар-да ҳаётларида унга қатъӣй амал қилиб келганлар. Чунки 30-йилларда ҳоким мафкура йўриғига юрмаган бахшилар бошқа ёзувчи ва шоирлар сингари қатағонға учраган. Бунга Хоразмда ўз истеъдоди билан катта шуҳратға эга бўлган большевиклар сиёсати қурбони Аманбаши тақдири мисол бўла олади. Шубҳасиз, «Алпомиш» мазмунининг чуқур заминидаги лавҳалар ислом дини туркий халқлар яшайдиган ҳудудларға етиб келмасдан аввал ҳам мавжуд эди. Аммо ислом динининг Ўрта Осиё, Волга бўйида яшовчи халқлар томонидан қабул қилиниши достон мазмуниға, сюжети ва композициясига ўша даврнинг ҳукмрон мафкураси сифатида бевосита таъсир кўрсатган. Айниқса, достоннинг исломға иймон келтирган бахшилар, шоирлар, ижодкор ва ижрочилар томонидан айтилиши «Алпомиш»ни дини исломға яқинлаштирган, исломӣй таълимотни унга сингдириб борган. Бу хусусият достондаги қаҳрамонлар муносабатида, туш лавҳаси ҳақида ҳикоя қилинган ўринларда, асар қаҳрамонларининг кўрган тушлари юзасидан юргизган таъбирларида, ўз она юртларининг обрўсини ҳар қадамда ҳимоя қилишға тайёр эканликларида сезилади. Натижада, тингловчи ёки китоб-

хон ислом таълимоти бўйича эга бўлган маълумотини дostonдаги Алпомиш, Барчиной, Қалдирғочларнинг зоҳирий хатти-ҳаракатидагина эмас, балки қалбларидаги, эътиқодларидаги ботиний ҳис-туйғуларда ҳам кўради.

Шунинг учун дostonда ислом динига оид қонунондаларни алоҳида-алоҳида лавҳалардан зоҳирий тарзда ахтариш тўғри бўлмайди. «Алпомиш» дostonида ислом дини таъсири унинг тўлиқ матнида ботиний тарзда дoston мисралари орасига сингиб кетган мазмунда аниқ сезилади. Фақат собиқ шўро тузумида бу ҳақда фикр юритиш, бу масалани илмий таҳлил қилиш ман этилганди. Бугунги вазият имконларидан фойдаланиб, айтиш мумкинки, дostonнинг ўрганилиши тарихида унинг бу жиҳатлари ҳақида биринчи марта фикр юритишга журъат этмоқдамиз. Бу масала ҳали кўп тадқиқотчиларнинг эътиборини тортади ва янги-янги қизиқарли мулоҳазалар пайдо бўлади деган умиддамиз.

Аввало, шунини таъкидлаш лозимки, дoston ёзиб олинган Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Бекмурод Жўрабоев, Саид Мурод Панаев, Бўри бахши Содиқов, Берди бахши, маъмур дoston ёзиб олинмаган, аммо уни куйлаган Ислом шоир, Абдулла шоир, Нурман бахши каби ижрочиларнинг ҳаммаси саводсиз бўлишларига қарамай ислом эътиқодига мансуб ижодкорлар эдилар. Мумтоз адабиётимиз вакиллари Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Навоий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо каби ижодкорларнинг назмларида ислом тушунчалари асар матнларига сингиб кетганидек, бахшиларимиз куйлаган дostonлари ҳам исломий дунёқараш билан суғорилгандир.

«Алпомиш» дostonининг дoston тарзида шаклланиши туркий халқлар маданий хазинасининг ноёб дурдонаси «Китоби Дадам Қўрқут» билан боғлиқ. «Китоби Дадам Қўрқут»нинг китоб шаклида ёзилишини олимлар XV асрга тегишли деб топишган бўлса-да, ундаги афсона ва ривоятларнинг яратилиши анча қадимги даврларга тааллуқлидир. «Алпомиш» дostonининг ўғиз версиясида эса Дадам Қўрқут асар қаҳрамони сифатида иштирок этган. У Бамси-Байракка исм кўяр экан: «Исмни мен бердим, узоқ умрни Оллоҳ берсин»,— дейди. Агар «Китоби Дадам қўрқут»даги бир туркум ҳикматли сўз ва мақоллар, ривоятлар Муҳаммад (с.а.в.) номи, Қуръон билан боғлиқлигини, Қўрқут ота қайта-қайта

иймон келтирганини назарда тутсак, «Алпомиш» дoston шаклига келгунига қадар исломий нуқтаи назардан бир неча бор кузатишдан ўтганига шубҳа қолмайди.

Ислом дини қайта-қайта уқтиришича, инсонга фарзанд берилиши Оллоҳ марҳамати эканидир. Оллоҳ ўзининг марҳаматини дариф тутмаган инсонга фарзанд ато этади. Достоннинг илк тингловчилари, аждодларимиз айнан ана шундай деб ўйлаганлар, бунга ишонганлар. Шунинг учун ҳам фарзандсизлар Яратганга илтижо қилганлар, фарзанд кўриш мақсадида кўпчиликнинг дуосини олишга уринганлар. «Алпомиш» достонининг деярли ҳамма версияларида фарзандсизлик мотиви ўрин олган. Ўғиз версиясининг бош қисмида Боёндурхон зиёфатида қатнашаётган Бойбўрабек ўғиз бекларига мурожаат қилиб, Тангридан фарзанд сўраб беришни илтижо этади. Беклар дуо қиладилар ва Тангри бу дуони мустажоб этиб Бойбўрабекка фарзанд беради. Унга Бамси-Байрак деб Ота Қўрқут исм кўяди. Ота Қўрқут Бамси-Байракнинг уйланишида совчилик қилади. Унинг умри бўйи маслаҳатгўйи бўлади.

Кўнғирот «Алпомиш»и нисбатан кейинги версия бўлса керак, унда ака-ука Бойбўри ва Бойсарига фарзандлари бўлмагани учун бир тўйдаги чапанитоб, бойваччадан таъна, дакки эшитадилар. Улар ўғиз версиясидаги каби Ота Қўрқутга эмас, Шоҳимардон пири — Ҳазрат Алига мурожаат қиладилар. Ака-ука Шоҳимардон равзасига бориб, у ердаги шайхларга назр-ниёзлар улашиб чилла ўтирадилар.

Шу пайтгача эълон қилинган «Алпомиш» достони матнида Шоҳимардон пирининг Бойбўри ва Бойсарига Оллоҳдан фарзанд сўраган ўрни тушириб қолдирилган ва бу гап ўрнига нуқталар қўйилган эди. Ваҳоланки, унинг тушириб қолдирилиши ҳақиқатан ҳам Бойбўри ва Бойсарининг фарзандни Шоҳимардон пиридан сўрагандек тасаввурни ҳосил қиларди. Маълумки, инсон бошига тушган қийинчиликларни енгиб ўз мақсадига эришиш учун сабр ва матонат билан ҳаракат қилиши, интилиши зарур бўлади. Исломий эътиқоддаги шахс эса ўз мушкулининг ечимини Оллоҳдан деб билади. Шунинг учун ҳам Бойбўри ўғил ва қизга, Бойсарига қизга эга бўладилар. Достонда шу билан бирга инсоннинг тақдири ўз хатти-ҳаракатига боғлиқлиги таъкидланади.

Албатта, «Алпомиш» достонида халқимизнинг узоқ ўтмишдаги жисмоний бақувватлилик ҳақидаги орзула-

ри билан боғлиқ маълумотлар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Ҳақимбекка қилич кор қилмаслиги, ўқ ўт-маслиги, унинг ўтда ёнмаслиги «Авесто» китобидаги қаҳрамонлар хусусиятларини эслатади. Алпомиш билан бирга ёндириб юборилган қирқ битта ҳамроҳи куйиб кул бўлади, аммо Ҳақимбек қандай бўлса, шундай на-фас олиб ётаверади. Уни бошқа турли йўллар билан ўлдирмоқчи бўладилар, бироқ бу амаллар унга кор қилмайди. Табиийки, асарнинг бош қаҳрамонидаги бу хусусиятлар мифик қаҳрамонлар Митра—қуёш маъбу-ди, Анахита—ҳосил маъбудасини эслатади. Лекин бах-ши дostonни ижро этган даврда ислом динидан аввалги муддатда халқ орасида машҳур бўлган бу маъбудлар-нинг номи билан иш кўришлари мумкин эмасди. Шу боис, ижодкорларимиз ва ижрочи бахшиларимиз бу муаммоларнинг ечимини ҳоким ислом дини қаҳрамони Али—Шоҳимардон (Мардлар шоҳи) орқали Оллоҳдан топадилар.

Достонда айтилишича, Шоҳимардон пири қиёфа-сида яхши нурли қаландар кириб келади ва болаларга исм қўйилиши ҳам афсонавий йўсинда амалга ошири-лади.

«Шоҳимардон пири Бойбўри ўглининг отини Ҳақим-бек қўйди, ўнг кифтига беш қўлини урди. Қўлининг ўрни доғ бўлиб, беш панжанинг ўрни билиниб қолди» (17-б.).

Фарзандга исм қўйиш маросимининг бу тарзда амалга оширилиши Ҳақимбекнинг ҳаёт тақдирини бел-гилашда жуда муҳим аҳамият касб этади. Қадриятла-римизда қабул қилинган қоидаларга биноан фарзандга исм қўйиш удуми халқимизда осонгина бажарилмай-ди. Фарзанд шукронаси учун юртга зиёфат тортилади. Унга исмни узоқ умр кўрган, пири бадавлат, ували-жували, илмли, доно қария қўяди. Қўйилган исм ҳам иложи борича маънодор бўлиши лозим. Маълум бўла-дики, Фозил Йўлдош ўгли Ҳақимбекка исм қўйиш тад-бирини қадриятларимиз асосида халқ удумларига ай-ланган бир вазиятда содир бўлганини таъкидлайди. Исм қўювчи табаррук инсон Шоҳимардон пири бўлган-ни учун унинг панжасининг изи Ҳақимбекни кейинча-лик турли офатлардан, фожиалардан асраган. Айни пайтда унинг тақдирини Барчиной тақдири билан боғ-лаган.

Халқ ижоди асарларидаги айрим лавҳаларни ва тасвирларни шартли қабул қилиш керак. Бугунги кун-

да дostonдаги айрим узоқ ўтмиш лавҳаларини изоҳлаш, уларни шарҳлашга ожизмиз. Бундай ҳолларда ҳар бир китобхон дoston юзага келган ва куйланган муҳит ҳамда дostonчи дунёқараши нуқтан назаридан масалага ёндашса, мақсадга мувофиқ бўлади. Фақат бир муҳим нуқтани эътибордан соқит қилмаслик лозим. У ҳам бўлса, халқ оғзаки ижодидаги асосий мақсад одамлар орасида яхшилиқни тарғиб этиш, комил инсон тушунчасига монанд ва лойиқ қаҳрамонни мадҳ этишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам тасвирланган айрим лавҳаларга ортиқча талабчанлик билан ёндашмаслик маъқулроқ бўлади. Масалан, Ҳакимбек зиндонда эканида майиб бўлган ғоз унинг олдига нажот сўрагандек тушади. Ҳакимбек уни даволайди, тузатади. Хат битиб Бойсин элига учини илтимос қилади. Ғоз мактубни Қалдирғоч оймга етказди. Қоражон Қалдирғоч олиб борган хабар билан Алпомишни қутқариш учун қалмоқлар юртига келади ва зиндондан дўстини озод қилмоқчи бўлади. Бу ният энди амалга ошай деб турган бир пайтда Алпомиш ўз дўстининг ёрдамини рад этади. Шунча йўлни машаққат билан босиб келган Қоражоннинг тарвузи қўлтиғидан тушиб Бойсинга қайтиб кетади. Мантиқий савол туғилади: Алпомиш Қоражон ёрдамини дostonнинг биринчи қисмида рад этмаган эди-ку? Пойгада Қоражон қатнашди. Саксон саккиз алп билан Қоражон олишди. Нима учун энди Алпомиш унинг ёрдамидан воз кечди? Олимлар бу вазиятни турлича баҳолаганлар. Қимдир Алпомишни дўстликни тушунмаганликда айбласа, кимдир бу ҳолатни унинг феълида рўй берган ўжарлик билан изоҳлади. Айни пайтда, ҳаётдаги энг муҳим муаммоларни дoston қаҳрамонининг шахсан ўзи ҳал этиши лозим эканини эслатган тадқиқотчилар ҳам бўлди. Қоражон бажарган юмушларни Алпомишнинг ўзи осонгина бажарар эди. Шунинг учун уларни бажаришда Қоражоннинг ёрдамини рад этади. Зиндондан чиқаришда эса энди муаммо вазни ошди. Ёрдамнинг баҳоси қимматлашди. Ҳақиқатан ҳам, бундай мураккаб вазиятларда биз дostonнинг оғзаки ижод намунаси эканини ҳисобга олсак, масала ойдинлашади. Оғзаки ижодда эса шартлилик тамойили кўпинча етакчи ўринда туради. Йўқса, якка Алпомишнинг, қолаверса, Гўрўғлининг мишгаб душман лашкари билан олишувда ғолиб келишини, «Бозиргон» дostonида Бозиргон дарёнинг икки қирғоғига оёғини қўйиб юкни у қирғоқдан бу қирғоққа

ўтказиб қўйишини, бир оздан сўнг келишган, «сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринадиган» йигит сифатида таърифланишини изоҳлаб бўлмайди.

«Алпомиш» достонидаги исломий тушунчаларни шарҳлашда ҳам баъзан ана шундай вазиятга дуч келамиз. Биз бу ўринда достондаги дастлабки лавҳалардан бирида ифодаланган «закот» ҳақидаги маълумотни назарда тутмоқдамиз. Маълумки, «закот» фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги)да ночор мусулмонларга иқтисодий жиҳатдан таъминланган одамлар томонидан бериладиган қонуний эҳсон бериш, солиқ тушунчасини англатади. Закот исломдаги беш асосий фарз (бажарилиши зарур бўлган амал)дан биридир. Закот миқдори бир йиллик даромаднинг қирқдан бирини ташкил этади. «Алпомиш» достонида Бойбўри ва Бойсари ўртасидаги келишмовчилик закотдан бошланади. Ҳақимбек билан Бойбўри сахий ва бахилдан суҳбатлашаётганларида, Ҳақимбек: «Қишининг моли закотга етса, закот берса, бул ҳам сахий экан. Агар закот бермаса, бул ҳам бахил экан», — дейди (18-б.). Алпомишнинг гапидан аниқ сезилиб турибди-ки, у «закот»га исломий таърифдан келиб чиқиб баҳо бермоқда. Аммо Бойбўри шундан сўнг фикр юритиб: «Мен ўн олти уруғ Қўнғирот элининг ҳам бойи бўлсам, ҳам шойи бўлсам, мен кимга зақот бераман... Бойсарибий укам менга закот берса керак экан», — деб ўйлайди (18-б.).

Аслини олганда, Бойбўри ўз йўлига, Бойсари ўз йўлига ночор одамларга закот бериши лозим эди. Бахши бу ўринда закот тушунчасини Бойбўри томонидан солиқ олиш маъносида шарҳ этади. Чунки исломий фарз асосида закот тўлашга биноан Бойсари жуда кўп бойлигини бериши талаб қилинарди. Бойбўри эса ундан фақат битта қўтир эчки сўрамоқда холос. Демак, гап бу ерда қўтир эчкида эмас, балки уни сўраш усулидадир. Бу эчки—закот аслида солиқ тўлаш мезони бўлгани сабабли Бойсарига маъқул бўлмади: Закот тўлаш уни Бойбўрига расман бўйинсунганини англатар эди. Профессор М. Саидов «Ўзбек достончилигида бадий маҳорат» (Т., 1969) китобида ўз мулоҳазаларини ана шу тушунчадан келиб чиқиб изоҳлайди. Ҳақиқатан ҳам, воқеанинг давоми закотни солиқ тарзида ундириш йўлини тасдиқлайди. Бизнингча, Фозил Йўлдош ўғли закотнинг асил маъносини билса ҳам достонда халқ ижодидаги шартлиликка асосланиб солиқ маъносига ўтказиб юборган. Достон мазмуни шу лавҳадан

сўнг кескинлашган, Бойсарининг қалмоқ юртига кўчиш учун бош сабаб вазифасини ўтаган. Бахшига айнан шу ҳолат зарур эди.

Бу кўрсатадики, дostonчи ўз даври таомилига кўра ислом мафкурасини улуғлаш мақсадида закот тушунчасини олиб кирган бўлса-да, аслида марказлашган давлат ғоясини ўртага ташлайди.

«Алпомиш» дostonида инсон табиатидаги туш кўриш хусусиятига ҳам алоҳида эътибор берилганига гувоҳ бўламиз. Аввало, туш мифик дунёқарашнинг таркибий қисми, халқ маиший ҳаётида унга қаттиқ ишонган. Кейинчалик ислом динининг таъсирида тушга муносабат янада уйғунлашган. Шунинг учун «Алпомиш» дostonида бу масаланинг алоҳида таъкидланишини табиий ҳол сифатида қабул қилиш мумкин.

Яхши туш одамларга умид, келажакка ишонч туйғуларини ҳосил қилган. Баъзи кишилар ҳаётидаги жиддий ўзгаришлар тушларида аён бўлган. Дини ислом ақидаси бўйича Муҳаммад (с.а.в)нинг пайғамбар бўлиши ҳақидаги биринчи хабар тушида маълум бўлган.

«Алпомиш» дostonида ҳам туш қаҳрамонларнинг тақдирини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Бахши тушнинг ўзинигина эмас, унинг шарҳланишини ҳам исломда белгиланган қондаларга биноан амалга оширади. Бу йўналиш, айниқса, Алпомиш, Барчиной ва Қоражон муносабатларига аниқлик киритиш борасида алоҳида ёрқин намоён бўлади. Дostonнинг биринчи қисмида Алпомишни бир кеча чилтонлар меҳмон қилдилар. Улар Барчиннинг руҳи билан Алпомиш руҳини учраштириб, бу икки ёшнинг тақдирини Оллоҳ бирлаштирганини билдирадилар. Кўп ўтмай Алпомиш, Барчин, Қоражон бир туш кўрадилар. Уларнинг тушлари бир хил бўлиб чиқади.

Айнан шу тушни бахши таърифи бўйича Қоражон ҳам кўради. Дostonда бу ҳақда шундай жумла келтирилади: «Боғонағи туш кўрган Қоражон қалмоқ номоз вақти ўрнидан калима айтиб турди» (101--102-б.).

Қоражоннинг олти акаларидан юз ўгириши, Алпомишни ҳамиша қўллаб-қувватлашидаги маънавий асос тушда исломни қабул қилиши билан изоҳланади. «Алпомиш» дostonидаги кейинги воқеалар буткул Алпомиш ва Қоражоннинг иноқ дўстлиги, оға-инилиги асосида давом этади.

Бахши дostonдаги кичик лавҳаларда ҳам исломий

тушунчаларга бот-бот мурожаат этадики, дostonдаги ғоявий мазмун, мафкуравий йўналиш дини ислом таълимоти билан боғлиқ ҳолда талқин этилгани аён бўлади. Масалан, Алпомиш учириб юборган ғоз қанотида хатни Бойсин юртига элтар экан, йўлда бетоб овчи уни отмоқчи бўлади. Овчи икки гапининг бирида шу ғозни аввал ўзи ярадор қилганини, уни ўлдиролмай қолгани учун бетоб бўлганини ва уни отса, тузалиб кетишини такрорлайди. Аммо унинг онаси ўз ўғлини ёвуз йўлдан қайтаришга уринади. У ўғлига:

Қандай бўлса ёлғиз ғозни ўлдирма.
Мусулмонсан, бундай ишни қилмагин.
Бекнинг элчисига душман бўлмагин,
Хат кўтарган ғозни болам, урмагин (237-б.), —

деб насиҳат қилади.

Аммо нодон ўғил онасининг маслаҳатига кўнмайди:

Ёлғиз ғознинг тарафини оласан,
Мундай бўлсанг, сен имонсиз ўласан (237-б.), —

деб онасига қарши гапиради. Бу кичик диалогда халқимиз оғзаки ижодидаги жуда муҳим хислат акс этган. Биринчидан, ғоз ўлдириб бўлмайдиган хабарчи қуш сифатида баҳоланмоқда. Иккинчидан, бекнинг элчиси дахлсиз экани қайд этилмоқда. Учинчидан, ўғилнинг ўзи иймони бутун бўлмагани сабабли иймонли онасини имонсиз деб атаётгани бўрттириб кўрсатилмоқда. Ва, ниҳоят, тўртинчидан, юнага қўл кўтармоқчи бўлган ўғилнинг косаси оқармаслиги ҳам таъкидланмоқда. Айнан шу лавҳада яна бир ибратли фикр илгари сурилган. Иймонда ҳар бир одам иккинчи одамнинг саломини манзилга етказиши шарт ҳисобланган. Сафар давомида бу салом хабарчининг бўйнидаги қарз билан тенг бўлган. Шунинг учун она ғозни тезроқ учишга даъват этаркан: «Арза хати қарз бўп қолган бўйнингда», — деб ғознинг масъулиятини унга яна бир эслатгандек бўлади.

Инсоф, иймон инсон онгидаги энг мўътабар тушунчадир. Она учун фарзанддан азиз ва қадрли инсон бўлмаса керак. Аммо биз фикр юритаётган лавҳада она ўз фарзандини инсофга чақирар экан, иймонни фарзанд меҳридан юқори қўяди. Биз бу ўринда онани бемехрликда айблай олмаймиз. Она ўз фарзандини

жонидан ҳам азиз кўради. Бироқ унинг қалбидаги иймон тушунчаси айни чоқда устунлик қилади.

Маълумки, шўро тузуми сиёсатининг асосий мазмуни кўп жиҳатдан диний тушунчаларга қарши курашдан иборат эди. Нашр қилинаётган ҳар бир халқ оғзаки ижоди цензура назоратидан ўтар экан, нозирларнинг эътибори кўпроқ айнан ана шу масалага қаратиларди.

Ана шу сабабли ҳам дostonнинг асримизнинг 20-йилларида Ғози Олим Юнусов илк эълон қилган парчаларидаёқ исломий тушунчалар акс этган парчаларни нашрга бермаган. Бу ҳол кейинчалик Ҳамид Олимжон, Ҳоди Зариф ва Тўра Мирзаевлар томонидан давом эттирилди. Ҳақиқатан ҳам, «сен замонга боқ» қабилида иш тутган олимлар «Алпомиш» дostonини иложи борича кенг халқ оmmasига етказиш ҳаракатида бўлганлар. Фақат 1992—1993 йилларда икки жилддан иборат тарзда ва 1998 йилда алоҳида эълон қилинган «Алпомиш» аввалгиларга нисбатан диний эътиқодларга оид парчалар сақланган ҳолда нашрга тайёрланди. Эндиликда маълум бўляптики, дostonнинг энг гўзал мазмундаги қисмлари билан танишиш унинг исломий жиҳатдан ҳам эътиборга лойиқ ўринлари борлигидан далолат бермоқда. Ва яна шу нарса ҳам маълум бўляптики, агар мазкур парчалар большевиклар сиёсати авж олган бир пайтда қисқартирилмасдан нашрга тайёрланганда, бунинг оқибатида ҳам дostonдан, ҳам яхши инсонлардан ажралышимиз мумкин экан. Зеро 1952 йилда «Алпомиш» дostonида феодал босқинчилик сиёсати акс этган, деб уни йўқ қилиш тараддудига тушилган бир пайтда диний тушунчаларнинг мавжудлиги ҳам қўшилса, шубҳасиз, дostonни мутлақ йўқ қилишга эришилар эди. Биз бу фикрни 1998 йилда тўлиқ нашр этилган дostonдаги бир лавҳага суянган ҳолда таъкидламоқчимиз.

Гап шундаки, Ғозил Йўлдош билан суҳбатлашган олимлар ўз тадқиқотларида қайта-қайта бахшининг дostonида диний тушунчаларнинг деярли йўқлигини тасдиқлашган. В. М. Жирмунский ўзининг «Туркий қаҳрамонлик эпоси» китобида бу масалага алоҳида тўхталиб, Ғозил Йўлдош куйлаган нусхада диний тушунчаларнинг камлигини алоҳида фазилат сифатида кўрсатади. Шубҳасиз, Ҳ. Олимжон, В. М. Жирмунский, Ҳ. Т. Зарифов дostonдаги исломий тушунчаларнинг мавжудлигини яхши билганлар. Аммо давр талаби

билан муросою мадора йули билан иш тутишган ва ўзларининг ўзбек халқи олдидаги бурчларини бажаришган.

Албатта, халқ оғзаки ижодида бўлгани каби асар қаҳрамонларининг тақдирини ва қисматини бутунича Оллоҳ қудрати билан белгилаб қўйиш тўғри бўлмайди. «Сендан ҳаракат, мендан баракат» деганларидек, асарда иштирок этувчи қаҳрамонлар ўз тақдирларини мутлақ равишда Оллоҳ иродасидан деб билмайдилар. Улар ўз келажаклари ва бахтлари учун курашадилар, ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдилар. Алпомиш ва Барчинонинг аввал илм олиши, сўнг ҳунарли бўлиши, қолаверса, ўз ҳаётини ўзи йўлга қўйиши учун қилган ҳаракатлари фикримизнинг далилидир. Халқ бахшилари ҳам ўрни келса-келмаса ислом ва шариат қоидаларини дoston мазмунига сингдиравермайдилар. Улар ҳар бир ҳаракатни асослашга, зарур лавҳаларни нозаруридан ажратишга ҳаракат қиладилар.

Хуллас, бизнингча, «Алпомиш» дostonида Фозил Йўлдош ўғли асарни ижро этаётган 1928 йилдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни тўғри баҳолай олган, билимдон ва тажрибали шахс сифатида ўзининг исломий дунёқарашини ифодалашга ечим топа билган. Қизил сиёсат авжига чиққан бир пайтда бахши миллий қадриятларимизга ҳурмат, халқпарварлик, инсонпарварлик, ватанга муҳаббат ғояларини ўз эътиқоди—исломий тушунчалар орқали ифодалади. Бу билан ҳам оддий халқ фарзандларининг иймонли ва баркамол инсон бўлиб етишига ҳисса қўшди, ҳам «Алпомиш»дек гўзал дostonнинг бизгача етиб келишини таъминлади.

МАЙ—ҚАБОҲАТ ТУЗОҒИ

Инсон табиатан баъзи пайтларда ўзини ўта эркин тутишни орзу қилади. Дунёнинг ҳамма ташвишларидан фориг бўлмоқни, кўнглига сиққан ҳаракатларни амалга оширмоқни истади. Халқимиз бундай пайтларда кўпинча «қирқ йилда бир эшак ўйин» иборасини ишлатади. Ана шундай пайтларда у инсон эркин бўлиш истагини ҳосил қилиш ниятида маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилишга интилади. Аммо бундай «эркинлик» оқибати аксари ўта ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўйламайди. Мутлақ эркинликка интилиш уни аста-секин ўргимчак мисол ғафлат иплари билан жипсроқ ўрай бошлайди. Туппа-тузук оила

ўз-ўзидан тўкила бошлайди. Қутулиб чиқиш мушкул бўлган ташвишлар орта боради. Эҳтимол, шунинг учун ўзбек халқи болани ёшликдан етук ва комил инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор билан қараган. Узоқ ўтмишда ундай тарбия воситаси бўлиб, асосан, халқ оғзаки ижоди асарлари хизмат қилган. Оиладаги катталар зиммасига болалар билан муттасил шуғулланиш масъулияти юклатилган. Улар шахсий ибрат билан, қолаверса, оғзаки ижодимиз асарлари орқали бола тарбиясини амалга оширганлар. Ҳақиқатан ҳам дoston, эртақ, қўшиқ, афсона, ривоят, мақол, аския каби жанрларда инсон тарбиясининг ҳамма қирралари ибратли тарзда ўз ифодасини топган.

Илм олиш, ҳунар ўрганиш, меҳнатнинг турли соҳалари билан шуғулланиш анъанаси ҳам халқимиз қадриятларини ташкил этувчи оғзаки ижод асарларида, ҳатто, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражада баён этилган. Педагогика соҳасида олиб берилган тажрибаларда тарбия жараёнини қуруқ панд-насиҳатлар орқали эмас, инсоннинг ишончига, унинг руҳий оламига таъсир қилиш йўли билан амалга ошириш самарали натижа бериши исботланган. Муттасил равишда фарзандларимизга илм олиш, одобли бўлиш, катталарни ҳурмат қилиш ҳақида ўғит бериш кутилган натижага олиб келмайди. Бундай маслаҳатларни ақл билан бола онгига сингдириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун сўз санъаткорлари — адиблардан ўзларининг бадиий асарларида баёнчиликка берилмасдан образлар ҳаракатини тасвирий тарзда ўқувчига етказиш талаб этилади. Бу ҳақиқатга оғзаки ижодимизда қадим замонлардан амал қилинганини кузатамиз.

Агар биз халқ эртақларига мурожаат қилсак, тарбиянинг ҳар бир соҳасига бағишланган алоҳида асар яратилганини кўрамиз. Эртақчи ўз тингловчиларига ҳунарли бўлиш бахтга эриштириши ҳақида қуруқ насиҳат қилмайди. У мушкул шароитга тушиб қолган йигитнинг гилам тўқишини ва гилам тўқишда ўзининг ўта маҳоратга эга эканлиги натижасида ўз юртига оғир аҳволда қолгани ҳақида киши билмас хабар бера олганини тасвирлайди. Эртақчи шунингдек, ҳалол ва маънавий пок бўлиш ҳақида ортиқча панд-насиҳат қилмайди. Балки бокира Озода Чехранинг охир-оқибатда разил ва мунофиқ, хиёнаткор ёвуз кучлар устидан ғолиб келишини ишонарли бўёқларда акс эттиради.

«Алпомиш» достонида ҳам ёшлар тарбияси билан

боғлиқ булган жуда кўп муҳим масалалар шу тарзда ҳал этилган. «Алпомиш» достонидаги версиялар билан танишар эканмиз, ўғиз, қипчоқ, олтой нусхаларида — Алпамша, Алип-Манаш, Бамси-Байрак узоқ сафарга отланади ва сафар азоби уларни чарчатади. Паҳлавон булганликлари сабабли ҳордиқ чиқариш учун узоқ муддатга уйқуга кетадилар. Ўзбек «Алпомиш» достонида бу бутунлай бошқача тарзда берилган. Табиий савол туғилади: Нима учун Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Алпомиш» достонида ҳам ана шу анъанага амал қилинмади? Ахир бу дostonда ҳам Алпомиш 41 йигит билан узоқ ва машаққатли сафарни бажарган эди-ку. Бизнингча, бахшилар ўз дostonларини тинглаётган одамларнинг руҳларига, асабларига, тарбияларига, маънавий дунёқарашларига ижро этилаётган асар, шубҳасиз, катта таъсир кўрсатишини билганлар. Шунинг учун тарбия билан боғлиқ имкониятдан тўлиқ фойдаланиш режаси билан иш кўрганлар. Бинобарин, «Алпомиш» дostonининг иккинчи қисмида Алпомишнинг зиндонга тушиши лавҳасини бевосита Алпомиш йўл қўйган хато билан, яъни майхўрлик билан боғлашади.

Халқ маст қиладиган ичимликка бефарқ қарамаган. Оилалардаги фожиалар, турмушларнинг бузилишлари, болаларнинг мажруҳ бўлиб туғилиши, гўдакларнинг етим қолиши, иқтисодий парокандаликлар кўпинча ичкилик оқибатида рўй бериши маълум. Қолаверса, ислом динида маст қиладиган ичкиликни тановул қилиш ҳаром ҳисобланади, мутлақо қораланади.

Халқимиз эпик ижодидаги асарларда миллий мафкурамизнинг асосий тамойилларидан бири сифатида ёшларни маст қиладиган ичимликка берилишдан сақлаш тадбири туради. Юқорида қайд қилганимиздек, халқ бу асарларда: «Май ичма»,—демайди, балки ана шу нотўғри йўлга кириш фожiasини кўрсатади, қўяди.

«Алпомиш», «Авазнинг арази», «Қунтуғмиш» каби дostonларда айнан ана шу усулга амал қилингани аниқ сезилади.

«Авазнинг арази» дostonида Гўрўғлининг севиқли ўғли Авазхон Тўлаб Ботир талабига кўра меҳмонхонада хизматда бўлади ва бу ердаги ўз шаънига мос келмайдиган гапларни эшитиб юртига кетиб қолади. Гўрўғли йўл қўйган хатосини тан олиб Авазнинг кетидан уни қайтариш учун сафарга отланади. Гўрўғ-

лининг ортиқча ташвишда қолиши майхўрлик билан боғланади. «Кунтуғмиш» достонида майга бўлган муносабат анча кескинроқ қўйилганига гувоҳ бўламиз. Достонда Кунтуғмиш Холбека билан кимсасиз тоғда яшаркан, ўзи, Холбека ва икки боласига егулик бирон озуқа қолмаганидан сўнг овқат ахтариш учун узоқ кимсасиз ерларни айланишга мажбур бўлади. Ва тасодифан Азбархўжа исмли мунофиқ шахсга, савдогарга дуч келади. Азбархўжа савдо йўлидаги аждархони қандай қилиб бўлмасин ўлдириш режасини тузган эди. Кунтуғмиш ана шу аждархони бир коса сув ва битта нон учун ўлдиришга рози бўлади. Жисмоний жиҳатдан бақувват Кунтуғмиш бу вазифани бажара олади. Аммо кейинчалик Азбархўжа Кунтуғмишнинг хотини ва икки боласи борлигидан шубҳа қилиб ҳийла билан Кунтуғмишни маишатга бошлайди. Азбархўжанинг мақсади Холбекани Зангар юртининг подшоси Буврахонга тортиқ қилиш эди. Кунтуғмиш Азбархўжанинг ҳийласига дуч келади. Бу воқеа достонда шундай ифодаланган:

«Икковлари хос ўтириш қилиб, иккита ўғлон косагул бўлиб икковига бостириб коса бера берди. “Сухбат қилдим”, — деб Кунтуғмиш гул арақ ичаётипти, Азбархўжа золим совиб қолган чой ичаётипти. Кунтуғмишнинг кайфи бошига чиқиб, ўзининг кимлигидан хабар бериб, оламдан хабари бўлмай, чаппа бўлиб йиқилди»¹. Бу мисолдан кўриниб турибдики, май ичишга даъват қилган шахс ҳеч қачон дўст бўлмайди. Йиллар давомида савдогарлар йўлини тўсиб турган аждарни енга олган Кунтуғмиш май оғуси олдида мағлуб бўлди. Унинг шу лавҳадан кейинги тақдири ташвишда ўтди. У хотинидан, икки ўғлидан ажралди ва йўл қўйган хатосининг эвазига жазоланди.

Биз «Алпомиш» достонида май ичиш масаласининг яна ҳам кескинроқ қораланганига ишонч ҳосил қиламиз. Алпомиш ёшлигида илм кўрган, ҳарбий машқларни мукаммал эгаллаган, маълум даражада ҳаёт тажрибасига эга бўлган йигитлигига қарамай Сурхайил кампирнинг тузоғига жуда осон илинади. Сурхайил кампир Алпомишдан фарзандлари учун қасд олиш мақсадида режа тузар экан, аввало, ўз душманини майхўрликка тортиш тадбирини ўйлаб топади. У Алпомишнинг йўлига чиройли иморат қурдиради. Ва бўлғуси қур-

¹ Ўзбек халқ достонлари. I том, Т., 1956, 471-б.

бонлар учун хизмат қилувчи қизларни тайёрлайди. Сурхайил кампир Алпомишни қуйидаги сўзлар билан ўзига ром қилади:

Бир кеча бўлайин сенга хизматкор,
Бир кечага таом бермак ҳақим бор.
Олис йўлдан меҳнат тортиб келасан,
Мен энангман, сен-ку ўғлим бўласан... (216-б.).

Бу парчада маккор Сурхайилнинг Алпомишни ўзига мойил қилиш ҳаракати аниқ сезилади. Алпомиш 40 йигити ва куёви Бектемир билан Сурхайил кампир зиёфатида бўлади.

Табиийки, Сурхайил кампир жисмоний жиҳатдан Ҳақимбекдан қасд ололмас эди. Шунинг учун мастон кампир тузган режа ўз натижасини беради. Бахши зиёфат лавҳасини жуда маҳорат билан тасвирлайди. Дастурхонларнинг солиниши, меҳмонларнинг қўлларини юндиришлар, қирмизи чойнакка дамланган чойлар, олдинма-кейин тортилаётган таомлар зиёфат қатнашчиларининг вақтини хуш қилишга қаратилган эди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бу лавҳа тасвирланаётган пайтда бахшини эшитаётган тингловчиларда ҳам кескин ўзгаришлар рўй берган. Улар ана шу зиёфатда қатнашишни ҳавас ҳам қилган бўлишлари мумкин. Фозил Йўлдош ўғли маҳорат жиҳатидан энг етук бахши бўлгани сабабли зиёфат саҳнасини тингловчи кўз олдида аниқ намоён этган. Бу билан у эртаси куни келадиган фожианинг нақадар мудҳиш бўлишига замин тайёрлаган. Сурхайил кампир дostonда жуда уддабурон шахс сифатида тасвирланади. У бирон ишни тайёргарликсиз амалга оширмайди. Ҳақимбекнинг ишончини қозониш учун дастлаб қалмоқ шоҳнинг қўшини яқинлашаётганидан хабар беради. Ўртада кескин жанг бўлади. Жангда Алпомиш йигитлари тўла ғалаба қозонадилар. Рўй берган воқеадан сўнг Алпомиш ва унинг атрофидаги ҳамроҳлари Сурхайил кампирга тўла ишонч билан қарай бошлайдилар. Агар аввалги кун зиёфатда меҳмонлар кўнглида бир оз бўлсада, шубҳаланиш асари сақланган бўлса, Тойчихон аскарларининг келганидан Сурхайил кампир хабар берганидан сўнг бу шубҳа тамомила тарқатилади. Эндиликда кампир ўз мақсадини тўла бажариш шароитини яратган эди.

Бу кунги зиёфат дostonда шундай тасвирланган:

Утиришдан кўнгил тўлиб,
Олинг, аллаёр-аллаёр.
Ҳали ёш булар камоли,
Бошида ловдан рўмоли,
Ойдай ярқиллар жамоли,
Олиб ичар Қўнғирот хони,
Қизларман бўлиб даврони.
Хизмат қилар санам дилбар,
Бирдай ўтирибди беклар,
Машриқа кўйлак, енги тор,
Ҳуснин кўрса, кетар ғубор,
Жамоли пари, ҳурча бор,
Қаддингдан айланай, беклар,
Олинг, аллаёр-аллаёр (223-б.).

Достонда май косаларининг бетиним узатилиши, бадани қизиган Ҳакимбек шунқорнинг аста-секин маст бўлиб бориши, қирқ икки номдорнинг кулфатга ботиб бориши маҳорат билан тасвирланади.

Фарзандлари аламида куйган жодугар кампир маст бўлиб ҳолдан кетган йигитларнинг устига ўт қўйиб юборади. Оловнинг ёруғи шу қадар баландга кўтариладики, қалмоқшоҳ йигитлари бу ерга етиб келадилар. Ўт фақат Алпомишга таъсир қилмайди. Қолган қирқ бир йигит куйиб кетади:

Алпомиш ётар бунда маст,
Ураётир, қилич, олмос,
Ҳеч бир испиҳон кор қилмас,
Қилич қайтар, иложи бўлмас.
Алпомиш мастдир, беҳабар.
Уққа тутади қалмоқлар,
Уқи ботмай бундан қайтар,
Бари саргардон қалмоқлар (225-б.).

Тасвирланаётган воқеа чуқур фикр юритмай қилинган қалтис хатонинг дастлабки натижаси эди, холос. Қалмоқлар шоҳи Тойчихон лашкарини ларзага келтирган қирқ бир йигит май оғусининг қурбонига айланди. Алпомишнинг ҳаёти эса хавф остида қолди. Бахши Сурхайил мастоннинг нақадар айёр эканлигини тингловчи олдида яна бир намойиш этади. Жодугар кампир Алпомишни зиндонга солишга қарор қилади. Бу чора ўша шароитда ягона тўғри ечим эди. Эҳтимол, бахши тасвирланаётган воқеа орқали душман ҳамшиша

маккор бўлишини, ёвуз ниятни амалга ошириш йўлида ҳар қандай чора топишга тайёр эканини англатмоқчи бўлгандир.

Фозил Йўлдош ўғли томонидан дostonдаги мудҳиш зиёфатга тайёргарлик кўришнинг атрофлича баён этилиши мастон кампирнинг бир кун олдин Алпомиш ишончини қозониш мақсадида Тойчихон лашкарларининг келгани ҳақида хабар беришини тасвирлаши, зиёфатдаги кичик-кичик нуқталарнинг ҳам эътибор билан тасвирланиши бежиз эмас. Алпомиш билан сафар қилган қирқ бир йигитнинг фожиаси ҳам май оғуси билан боғлиқдир. Демак, бахши тингловчининг эътиборини атайин май оғусига тортади. Бахши инсоннинг умр бўйи эришган мавқеи йўл қўйилган битта хато билан ер билан яксон бўлишини таъкидлагандек бўлади. Алпомиш илм олди, жисмоний бақувват инсон бўлиб етишди. Тўқсон алп билан росмана беллашиб Барчинга уйланди, ўз юртини бошқариш даражасига етди, ammo у йўл қўйган хато қўлга киритилган бутун моддий ва маънавий имкониятларни бир кунда кўкка совурди.

Фикр юрита оладиган мулоҳазали тингловчи бахши мақсадига кўра ўзига зарурий хулосаларни чиқариб олиши аниқ. Алпомишнинг зиндонга ташланиши бу мулоҳазаларнинг дастлабки натижаси бўла олади. Бахши имкони борича Алпомишнинг улкан гавдага эга эканлигини унутмасликка уринади. Алпомишни жисмонан ўлдириб бўлмас экан, уни ётган жойидан ҳам жилдириб бўлмаслигини алоҳида таъкидлайди. Қазилган зиндонга Алпомишни Бойчибор судраб боради. Зиндоннинг устидан қамчи зарби билан ирғиган Бойчиборнинг думи қирқиб юборилади ва Алпомиш зиндонга ташланади:

Зиндондан ирғи деб Чиборни урди.

Букилиб жонивор ўзини отди,

Жуппай бўлиб энди зиндондан ўтди,

Отнинг қўйруғига қилич солибди,

Қилич тортди, шундайин кесиб ўтди,

Қўзғалиб Алпомиш зиндонга кетди,

Мастликда зиндоннинг остига етди.

Ҳали «ўлик», ўзин билмай ётибди,

Ихтиёри бул ўзидан кетибди,

Алпомишни қалмоқлар зиндон қилибди (227-б.).

Дostonда Алпомиш бошига тушган кулфатни, аввало, унинг ўзи баҳолай бошлади. Халқимизда, ҳар

бир инсон бошига ташвиш тушган пайтда Худони кўпроқ эслайди, деган нақл бор. Фозил Йўлдош ўгли ана шу фикрга асосланган ҳолда Алпомишнинг ҳушига келган пайтидаёқ Оллоҳни эсига олганини таъкидлайди:

Ҳақ таоло мени қилди саргардон,
Кўзима кўринмас ер билан осмон,
Мазгилим бўлибди қоронғи зиндон,
Неча вақт мен эдим Кўнғиротда султон... (228-б.).

Бундай пайтларда одам ўзи йўл қўйган хатоларни шарҳлай бошлайди. Афсус-надоматлар билан вазиятни ўнглаш учун Оллоҳдан чора сўрайди:

Ҳаддан ошиб мен манманлик қилибман.
Бир бадбахт кашмирга дучор бўлибман.

Ароқ-шароқ ичиб маст бўп қолибман (229-б.).

Маълум бўладики, «Алпомиш» достонида ўзбек халқининг маст қилувчи ичимликка бўлган муносабати Фозил Йўлдош томонидан рўй-рост тингловчига етказилган. Натижада, айрим одамларда учрайдиган ичкиликка берилишнинг мудҳиш рқибатларидан огоҳ этувчи киши хотирасида ўчмас яққол тасвир юзага келган. Ўқ ўтмас, қилич чопмас, ўтда куймас севимли халқ қаҳрамони бошига ичкилик келтирган оғир машаққатлар ёшлар тарбиясида муҳим роль ўйнаши ўз-ўзидан аён.

АҚС ЭТАДИ «АЛПОМИШ»ДА РУҲИМ МЕНИНГ

Инсон борки, табиат—коинот, наботот, ҳайвонот билан боғлиқ ҳаёт кечиради. Ҳавонинг очиқ бўлиб, қуёш чарақлаб чиққани, муттасил қор ёки ёмғир ёғиши, ўз-ўзига бурканган табиат бизнинг феълимизга-да ўз таъсирини ўтказмай қолмас. Қўшимчасига биз — бандаларнинг соғлиғи қуёш жисмидаги бўронларга, тўфонларга узвий алоқада эканини бугун билиб бормоқдамиз. Аммо бизнинг ўзимиз ҳаракатда ва муомалада бўлган одамлар муҳитининг кайфиятимизга тегишли жиҳатларини айтмайсизми?! Очиқ чеҳра билан келаётган нотаниш одамнинг мулойимлик ва одоб билан самимий салом бериши вақтимизни чоғ қилганидек, арзимас тушунмовчилик билан дилга ботадиган бир оғиз совуқ сўз кунни бўйи дилимизни хиралашти-

ради, хуфтон қилади. Қисқаси, айтмоқчимизки, инсон табиатан ҳамма жиҳатдан мамнуи ёки ҳар томондан дилхун юра олмайди. Вақтнинг ўтиши билан унинг руҳий аҳволида муайян ўзгариш бўлиб туради. Бадий адабиёт яратилиши ва адиб мақсадини ифодалаш ва-зифасига кўра инсон тақдири билан яқин муносабатда экан, унда инсон кайфиятининг ифодаси ҳам етакчи ўринда турмоғи табиийдир. Тўғри, ёзма адабиёт ва-киллари элик асарларида тасвирлаётган қаҳрамон-ларининг маиший ҳаётларида мўътадил турғун вазияти; маълум мақсадни назарда тутиб ифодалашлари мумкин бўлар. Аммо кузатишлар шуни исботламоқ-даки, оғзаки ижоддаги эпик асарларда бундай вазиятлар ўта қисқа шаклда ўз баёнини топади. Эпик асар-лардаги қаҳрамон тақдири баёни кўпроқ жўшқин ҳаёт, ғалаба нашидаси, мағлубият ўкинчи ёки тақдир ҳа-зили билан уйғун тарзда ўз аксига эга бўлади. Афсус-ки, ўзбек халқ оғзаки ижодини тадқиқ этувчи олимлар турли сабаблар оқибатида қўшиқлар, ўланлар, эртак-лар ва дostonларда асар ижодкорининг киши билмас алоҳида эътибор билан тасвирламоқчи бўлган инсон руҳиятига оид жиҳатларни ғоявийлик ва бадийят да-ражасида ўрганганлар дея олмаймиз. Тўғри, бадий асардаги инсон кайфияти ифодасини ғоявий мазмун ёки бадий қимматдан ажратган ҳолда талқин этиш у қадар тўғри бўлмас. Аммо шунга қарамай, ўйлай-мизки, айнан инсон руҳиятининг оғзаки ижодимиздаги ифодасига диққатимизни қаратиш кўп жиҳатдан ғоя-вийлик ва бадийлик муаммоларини ҳал этувчи ечим-ларни аниқлаш имконини беради.

Бизнингча, халқ орасидан етишиб чиққан, номлари бизгача етиб келмаган, лекин эртак, дoston каби эпик асарларни ўзларича яратиб бизгача етиб келишига сабабчи бўлган халқ фарзандлари махсус билим дар-гоҳларида таҳсил кўрмаганликларига қарамай ҳар бир шахснинг руҳий ҳолати, кайфияти ҳаёт муаммо-ларини ҳал этишда муҳим эканлигини унча-мунча психолог олимдан яхшироқ ҳис қилган. Инсон руҳий тушкунликка тушганда ўзини ғариб, мушфиқ, охир-оқибатда хаста сеза бошлайди. Бутун дунё кўзига қоронғи кўринади. Ҳатто, вазият тақозоси билан ҳаёт-дан кетиш режаларини туза бошлайди. Халқимизда «Ўлимимга ташна бўлиб кетдим» ибораси ана шундай ҳолат ифодаси эмасми?! Халқ тасаввурида ҳар бир мавжудот руҳан огир вазиятга тушиши мумкин, аммо

маълум муддат давом этувчи тушкунлик унинг тақдирини ҳал этмаслиги керак. Поезд йўлидан ўтиш чорраҳасини беркитиб турган тўсқич абадий эмас. У, албатта, очилади. Халқ ҳам ўз фарзандларини ана шу руҳда тарбиялаш тарафдоридир.

Бошқа дostonлар каби «Алпомиш»да ҳам биз ҳаёт тўлқинида турли даражада тебранаётган тақдирлар билан тўқнашамиз. Асар матнигина эмас, ҳатто, куйи ҳам қаҳрамонлар ҳаётидаги иссиқ ва совуқ дамлар, қувончлар ва ташвишлар, бахтли онлар ва омадсизликларнинг тасвиридан иборат. Лекин бари бир бу лавҳаларнинг ҳаммасидан битта хулосага келишимиз мумкин: инсон ҳаётидаги ҳар қандай руҳий ҳолат ўткинчидир. Ғалаба кетидан мағлубият, ютқизиқ кетидан омад келади. Шунинг учун инсон бир лаҳзалик омаддан ортиқча рағбатланиб кетмаслиги, мағлубиятдан тушкунликка тушиб ўзини йўқотиб қўймаслиги лозим.

«Алпомиш» дostonидаги асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини тасвирлашга бахши алоҳида эътибор қилади. Бундай вазиятларни шартли равишда қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1. Руҳий тушкунлик, азият чекиш, ҳаёт тақозосига ва синовларига чидаш, ёруғ кунлар, порлоқ келажак умидида интилиш.

2. Ғалаба ва зафар нашидасидан баҳраманд бўлиш, тақдир насиб этган ютуқлардан талтайиб эсанкирамаслик, шукр қилиш.

Аmmo бу икки вазият дostonда турли муносабатлар заминида турлича кайфиятларнинг намоён бўлишига сабаб бўлади. Жумладан, дostonнинг бошланишида Бойбўри ва Бойсари қатнашган тўйда уларнинг фарзандсизликларини маломат қилишади. Ака-ука фарзандни сотиб олиш мумкин эмаслигини айтадилар ва тақдирларидан афсусланиб, яна Худодан фарзанд тилаб Шоҳимардон пири равзасида чилла ўтирадилар. Дostonнинг иккинчи қисмида Ҳакимбек эҳтиётсизлик оқибатида Сурхайил кампир тузоғига илинади: маишатга берилиб куёвидан, қирқ йигитидан ажрайди, зиндонга тушади. Кўриниб турибдики, ҳар икки лавҳада ҳам қаҳрамонларнинг руҳий изтироби бадий ифодасини топган. Лекин бу икки лавҳани ўзаро тенг ҳисоблаш мутлақо хато бўлар эди. Агар биринчисида тақдири азал фалсафаси таъсири сезилиб турса, иккинчисида инсон ўз ҳаётида ўйлаб иш тутиши лозимлиги, ҳар қандай ортиқча мулоҳазасизликка йўл қў-

йиши ёмон оқибатларга олиб келиши қайд этилади. Ижодкор — халқ ҳар икки вазиятни икки хил баҳолайди. Биринчи лавҳада Бойбўри ва Бойсарининг хатти-ҳаракати нуқсонсиз. Тасвир ҳам шунга монанд равишда тўйда ака-укалар кайфиятининг бузилишига сабаб бўлган лавҳани ифода этишга қаратилади:

«Бийларнинг кўнглини хушламади, отини ушламади, остига либос ташламади; ош тортди, сузган товоқни чошламади; ош тортганда, ошнинг кетини—кўтини тортди» (14-б.). Демак, авваллари ака-укани қабул қилиш тамомила тескари ҳолатда бўлган. Энг муҳими шундаки, улар бу қадар хосиятсиз кутиб олинишнинг сабабини билмайдилар. Ана шундай англаб бўлмас шароитда улар ўзларини йўқотиб қўядилар. Чапанитоб бойвачча томонидан сабаб изоҳланганда эса меҳмонларнинг кайфияти тамом ёмонлашади. Чунки жавобни эшитгунга қадар кўнгилларининг бир чеккасида ҳамон тўй эгалари уларни тўлиқ танимадилармикан деган шубҳа айланиб юрган эди. Бироқ жавоб уларни тамом ер билан яксон қилди:

«Эй, Бойбўри билан Бойсари! Бу тўй ўғиллининг ўғлидан қайтади, қизлининг қизидан қайтади, сенинг нимангдан қайтади?! Ўзинг ўлсанг, молингга ҳар ме-росхўр чиқади, оғзига одам кириб кетади. Сенинг бундан буёқдаги ейдиганинг ошнинг кети-бети бўлади. Биз сенинг давлатингдан бўлиб оламизми?!» (14—15-б.)

Ўзбек миллатида фарзандсизлик ўта мушкул ва оғир бахтсизлик ҳисобланишини назарда тутсак чапанитоб бойвачча Бойбўри ва Бойсарининг энг нозик ташвишидан гап очгани маълум бўлади. Катта фожиа шундаки, Бойбўри фарзандни «тортиб олиб бўлмаса, ўғирлаб олиб бўлмаса, сотиб олиб бўлмаса, Худо бизга бермаса, қаёқдан қиламиз тарадди» (15-б), деб бутун дардини тўкиб солади. Бахши дostonнинг бу лавҳасини ҳикоя қилар экан, тингловчилар ўз ҳаётлари ҳақида фикр юритадилар. Фарзандлилар кўнглидан ўзига хос қониқиш, тақдирига шукр қилиш туйғуси ўтади. Айни пайтда ҳар бир ҳаёт тажрибасига эга инсон ака-ука фожиасини ўзига яқин олади, уларнинг дардига ҳамдардлик билдиради. Бахши маҳоратининг бу қирраси тингловчиларни асар қаҳрамонига яқинлаштиради. Қаҳрамонлар руҳий ҳолатидаги вазиятга бeфарқ қарамаслик туйғусини ҳосил қилади. Дoston бошланишидаги тингловчи ва асар қаҳрамонлари ўртасидаги бу яқинлик якуний қисмгача давом этади.

Юқорида қайд этилган иккинчи лавҳада ҳам қаҳрамон изтиробни бахшининг диққат марказида туради. Лекин бу ўринда Ҳақимбек ўзининг айбига муносиб жазо олаётганини ҳис қилади. У ўз монологда манманликка берилганини, ўз тарбиясига хос бўлмаган хатоликка йўл қўйганини тан олади. Зиндонга тушиш жазосини мардларча қабул қилади. Албатта, бу тутқунликдан қутулиш чораларини излагани ҳолда, энг асосий чора, ўз гуноҳлари учун Тангридан кечирим сўраб, тавба қилиши зарурлигини англаб туради. Бахши маҳорати мазкур вазиятни тасвирлашда шу даражага етадики, тингловчи Ҳақимбекнинг зиндон азобидан тезроқ қутулиши тарафдори бўлади. Достонни тинглаганидан сўнг ҳар бир одам Ҳақимбекнинг қилган ишларини адолат тарозисига қўяди. Ҳақимбекнинг ижобий саъй-ҳаракатлари унинг гуноҳидан устунроқ эканини ҳисобга олади ва унинг озод бўлишини сабрсизлик билан кутади.

Достонда асар қаҳрамонларига золимлар томонидан зулм ўтказилишини баён этиш воситасида ҳам руҳий ҳолатни ифодалаш лавҳалари кенг ўрин олган. Бу ўринда Бойсарининг қисмати билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни эслаш мақсадга мувофиқдир. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, халқ оғзаки ижоди асарларида бирон қаҳрамон бажарган иш тингловчига кўпинча бўрттирилган тарзда тақдим этилади. Бу усул мардлик, таклиф қилинган шартнинг бажарилиши, бошга тушган ташвишнинг оғирлиги каби вазиятларга тааллуқлидир. Асосий мақсад, асар қаҳрамонининг иродаси, жисмоний кучи, тадбиркорлигини тингловчиларга намуна қилиб кўрсатишдан иборат бўлади. Албатта, биз Бойсари чидаши лозим бўлган мураккаб муҳит ҳам айнан ана шу мақсадда ифодаланганлигини тўла ишонч билан уқтиролмаймиз. Бироқ масаланинг бошқа жиҳатини, яъни Бойсарининг ўта кучли иродага эга ичсон эканлигини алоҳида ажратиб кўрсатишга бахши муваффақ бўлганини эътироф этамиз. Достоннинг биринчи қисми якунида Алпомиш қалмоқлар юрти подшоҳини жуда мушкул бир вазиятда қолдиради. У Тойчихоннинг хизматидаги 90 алпни ўлдиради, 10 минг уйли Бойсин элини қайтариб ўз юртига олиб кетади. Натижада Тойчихон мамлакати ҳам моддий, ҳам ҳарбий жиҳатдан заифлашади, катта йўқотишга дуч келади. Буларнинг ҳаммасидан аламда қолган Тойчихон бутун газабини Бойсарига қаратади. Бойсари аввало акасига

закот тўлашдан бош тортиб ватанидан ажраб қалмоқлар юртига келган эди. Энди у ўн минг уйли ватандошларидан ҳам ажради. Унинг устига қизи Барчиной ҳам Алпомиш билан Қўнғиротга кетди. Бу изтироблар Бойсарини ечими топилмас муаммоларга йўлиқтирди. Унинг ўзи ҳам Қўнғиротга қайтиб кетай деса, гурури йўл қўймасди. Устига устак аламда қолган Тойчихон Бойсарини ҳамма бахтсизликларининг сабабчиси деб билди ва уни Сурхайил маслаҳати билан жазолашга қарор қилди. Тойчихоннинг ҳақиқий феъли энди маълум бўлади. Бойсари унинг зулмидан оғир изтиробга тушади: «моли кетса ҳам жони» қолганига кўнади. Унинг бутун молини Тойчихон тортиб олса-да, ўзига зарар етказмаганига шукр қилади. Аммо унинг карвонга айтган гапларида суяк-суягига ўтиб кетган изтироб изоҳини топгандек бўлади:

Жафо тиғи бу кун жондан ўтади,
Мени тақдир бу кулфатга элтади.
Катта йўлдан сендай карвон ўтади,
Карвонлар ҳам туяни тўхтатади,
Ҳар на дардин карвонларга айтади.
Ғариблигим суягимни ўртади...

Тўрт қилгандир эгам икки кўзимди,
Қартайганда хўр бўп қолган ўзимди (р).
Сен англагин гулдай сўлган тарзимди,
Тўхтадинг эшитгин айтган арзимди (200-б.).
Қалмоқ менинг билмаганим билдирди,
Ҳар на деса, айтганига кўндирди (202-б.).

Маълум бўляптики, Бойсарининг ночор аҳволидан хабардор бўлган карвонлар унга ёрдам бериш учун ҳар қандай хизматга тайёр эканликларини билдирадилар. Айни чоқда, бахшининг бу эпик шеърӣ парчани оғир ва мискин куй жўрлигида ижро этишини назарда тутсак, Бойсарининг дил сўзлари таъсири янада кучаяди.

«Алпомиш» достони матни билан танишиш бахшининг Барчиной тақдири билан боғлиқ лавҳаларни алоҳида меҳр билан тасвирлашга уринганини кўрсатади. Достонда Барчиной ўта зеҳнли, ақлли, илмли, мулоҳазали, жисмоний жиҳатдан етук, ориятли ва айни бир пайтда бир сўзли қиз сифатида тасвирланган. Урни келганда у аччиқ ҳақиқатни айтишдан чўчимайди. Кези келганда юрак-юрагини эзиб турган ташвишларини

ҳам изҳор эта олади. Шу билан бирга бахши унинг ўн тўрт ёшли қиз эканини ҳам ёдидан чиқармайди. Барчин ўзидан ёши катта ва ҳаёт тажрибасига эга одамлардан маслаҳат сўрашни ор билмайди. Ўз тушининг таъбирини Суқсурдан билиб олишга ошиқади:

Раҳмат дарё айни тошиб келганда,
Туш кўрибман файзи саҳар бўлганда.
Қибла бетдан бир ой туғиб келади,
Ойнинг гирдин тўртта юлдуз олади.
Тушимнинг табири қандай бўлади? (99-б.).

Барчин ўзининг келгуси ҳаёти шу туш билан белгиланишини руҳан ҳис қилгани учун ҳам яхши-яхши хабарлар олишни истайди. Суқсурдан фақат яхши гаплар эшитиш илинжида унинг оғзига қарайди. Кўнглидаги минг хил ташвиш, шубҳаларга жавоб олишни истайди. Чунки бу туш қизнинг руҳий изтироблар гирдобида ўз хаёлини, ҳушини йўқотиш арафасида рўй берганди. Тўқсон алпдан тилаб олган олти ой муддати тугаётган, аммо Ҳакимбекдан ҳеч қандай хабар келмаётган бир фурсатга тўғри келганди. Шунинг учун унинг ташвишлари табиий эди:

Ўйлаб кўрсам, кўрган тушим қийинди(р),
Бу тушининг табири, қизлар, не бўлди,
Ёмон демай, яхши жўранг сабилди (100-б.).

Туш таъбири яхшиликка йўйилганда эса, Барчин ўзини ниҳоятда бахтли ҳис этади, димоғи чоғ бўлади, ҳатто, Алпомиш келмаса ҳам келгандай бўлиб кулиб-ўйнаб қолади.

Маълумингизким, «Алпомиш» достонида турли ҳаётий лавҳаларнинг сон-саногини йўқ. Улар ўртасида муҳимлари бор, номуҳимлари бор. Муҳим ҳаётий лавҳалар деганда, биз дoston мазмунида ижодкор томонидан алоҳида эътибор билан тасвирланган воқеаларни назарда тутамиз. Қизиғи шундаки, уларнинг кўпчилигида айнан қизлар фаол иштирок этадилар. Эслик, Барчинни тўқсон алпга турмушга бериш маслаҳати бўлганида Ертибой тўқсон алп тарафини олади. Бу қарорга Барчиной қарши чиқади ва ўзини ўзи ҳимоя қила оладиган руҳан тетик қиз эканини исботлайди. Барчинойнинг Қўнғирот юртига Алпомишнинг келишини илтимос қилиб ёзган мактубини Бойбўри яширганида, Қалдирғоч топиб олади ва шу заҳоти

акасига далда беради, сафарга отлантиради. Бойчибор пойгада туёғига қоқилган гулмихлардан азоб тортиб Кўкдўнондан ўзиб кетолмай турганида ҳамда Ҳакимбек Кўкалдошни курашда енголмаган пайтда Барчин уларга мурожаат қилиб руҳан дадиллантиради ва ҳар икки курашни ўз фойдасига ҳал бўлишини таъминлайди. Кейинчалик ҳам айнан Барчин отаси Бойсарини Кўнғирот юртига олиб қайтиш кераклигини Ҳакимбекка айтади. Қалдирғоч эса Қоражонни қалмоқлар юртига Ҳакимбекни қутқаришга жўнатади. Достон мазмунидаги бу лавҳалар умумий сюжет тизимидаги ҳалқаларни бир-бирига боғлаш ва асарни эшитишли қилиш вазифасини ўтайди. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, уларнинг ҳар бирида чуқур руҳий ҳолат ҳам ўзининг мукамал ифодасини топади.

Ўзбек халқи дунёдаги бошқа халқлар сингари ҳар бир шахсда яширин ирода кучи борлигини тасаввур қилган. Бу куч одатда мурожаат қилинаётган шахсни одатий кайфият чегарасидан чиқишга мажбур қилинганда намоён бўлади. Руҳий жиҳатдан мувозанат бузилганда, инсон оддий вазиятда бажара олмайдиган вазифанинг уддасидан чиқа олади. Халқ бахшилари бундай усулдан кўпинча кураш ёки бошқа мусобақалар ҳикоя қилинаётган воқеаларда фойдаланадилар. Кўпинча қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ана шундай муҳим муаммо ечимини топиши лозим бўлган пайтларга туғри келади. Масалан, Алпомиш пойга сўнгида маррага қайси от олдин келаётганини кўриш истагида дурбинни олади ва пойгачиларни кузатмоқчи бўлади. Бу пайтда икки от чўлда йўл таллашиб келаётган эди. Уларнинг бири Кўкдўнон (Кўкалдошнинг оти), иккинчиси тўриқдай кўримсиз бир от эди. Туёғига қоқилган гулмихларнинг азобидан Бойчибор шундай кўринишга кириб қолган эди. Алпомиш ўз отини ўзи танимайди ва: «Ҳам отимдан, ҳам юртимдан айрилдим»,—деб беҳуш бўлиб йиқилади. Мана шундай оғир кўриниш рўй бериб турган пайтда Барчинойнинг гапларига диққат қилайлик:

Не сабабдан, тўрам, қаддинг букилди,
Жаладай бўп кўздан ёшинг тўкилди.
Бир давлатли хоним, ҳолинг не бўлди?
Сен йиқилиб қолмас ойим қарори.

Йиғлатмагин мендай гул бувишингни,

Оч кўзингни, кўтар, хоним, бошингни.
Бундай кунда, хоним, ҳолинг сўрайин,
Хабар бергин аҳволингни билайин (151—152-б.).

Алпомишдек йигит қаддининг букилиши, кўзидан жаладай бўлиб кўз ёшининг оқиши ўз-ўзидан бўлмайди. Ўз ёрини ана шундай мушкул ҳолатда кўрган Барчиной ташвишининг чеки йўқ эди. Шу боис у Бойчиборга ўз дўстидек, бахтининг заминини яратувчинсондек мурожаат қилади. Барчиннинг бу мурожаати «Алпомиш» достонининг бадий моҳиятини таъминловчи энг гўзал мати парчаси даражасида янграйди. Унда бахтсиз бўлиб бегона юртларда ранги сарғайиб қолишдан чўчиган қизнинг, «ноумид шайтон» деганларидек, келажак ҳаётга умид назари билан қаровчи муштипар инсоннинг руҳияти тўла намоён бўлади. Гаровга бутун халқнинг бахти қўйилган эди. Бойчибор пойгада ғолиб чиқса, Қўнғирот яна бир бутун эл даражасига кўтарилади. Пойгада мағлубиятга учраса, юрт пароканда бўлади. Шунинг учун ҳам Барчин бутун борлиғи билан Бойчиборга қолган-қутган кучни тўплашни илтимос қилади. Бу мурожаат ўз навбатида юқорироқда фикр юритганимиз — Бойчиборнинг ички ва яширин ирода кучини ишга солишни, мувозанатдан чиқишни таъминлаган эди. Барчин унга қарата шундай дейди:

Қурру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти,
Оқ тўшим—яйловинг, сочим—шипиртки.
Куйганимдан гапни гапга улайин,
То ўлгунча сайисинг бўп юрайин,
Эгам раҳм айласин қонли ёшима,
Сабаб бўлиб қўшгин денги-дўшима,
Олмосдай туёғинг қордай тўшима,
Қурру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти.
Уйилмай қўймасин кулбаи хонам,
Оҳ уриб йиғлайди мендайин санам,
Қалмоқда қолмасин гулдайин танам.
Ун икки ой сени Бойбўри боқди,
Гарданингга Қалдирғоч қўтос тақди,
Йиғлатмагин Барчин гулдай бебахтди,
Қурру-ё қур, ҳайт-а, бегимнинг оти (153-б.).

Агар мазкур мурожаатга эътибор қилсак, унда достоннинг бутун мазмунини кичик бир декчага йиғилган-

дек бўлганини кўрамиз. Унда дostonдаги ҳамма асосий қаҳрамонлар номи қайд этилган. Барчиннинг бошидаги ташвиш ҳам тўлиқ ўз ифодасини топган. Барчиннинг руҳий ҳолатини айтмайсизми?! Унинг кўзидан ёш қон бўлиб оқаётгани, ватанидан айрилиқда яшашнинг мусибатлари, ўз тенги билан қовушмаслик фожиалари мукамал ифодаланган. Айниқса, «тўшим—яйловинг», «сочим—шипиртки», «олмосдай туғнинг қордай тўшима» сўзларини, аввало, ҳар ким ҳам топа олмайди. Устига-устак Бойчиборнинг пойгадаги галабаси қандай баҳо ва қимматга тенг экани ҳам аниқ аён бўлади. Бахши Барчиннинг мурожаати Бойчиборни бетараф қолдирмаганига ҳам бизнинг эътиборимизни қаратади. Бойчибор бутун кучини ишга солиб Барчиннинг умидини оқламоқчи бўлади:

Сувлуқ тишлаб ўзин отди Бойчибор,
Калта қантариб ташлаганди қалмоқлар.
Тизгини узилиб кетди муқаррар,
Устидаги алп Қоражон беҳабар (153-б.).

Мазкур парчада бахшининг маҳорат қирраларидан яна бири кўзга ташланади. Шу пайтгача бахши сувлиқ, тизгин каби унсурларни тилга олмаганди. Улар, бизнингча, атайин сўнгги туртки вазифасини ўташ учун захирада олиб қолинган эди. Бойчиборнинг руҳий ҳолати пойга давомидаги вазиятдан яна ҳам таранглашгач, отнинг кайфиятидаги мувозанат қайта бузилгач, бахши бу деталларни ишга солади. Натижада Бойчибор Алпомишнинг дўсти, унинг учун жонини қурбон қилишга тайёр кишисидек талқин этилади. Дostonнинг иккинчи қисмида етти йил кўкрагини захга бериб ётиши тасвири бу фикримизни яна бир тасдиқлайди.

Дostonда Барчинойнинг ички изтироблари акс этган парчаларда бахши инсоннинг руҳий оламини тасвирлашида қайта-қайта кашфиётлар қилгандек туюлади тингловчига. Бу парчалар бир томондан Барчиннинг инсон психологиясини қанчалар яхши билишини, унинг руҳий ҳолатига усталик билан таъсир қилиб галабани таъминлашини исботласа, иккинчи томондан ўзи тарафидагиларнинг мағлубиятини томоша қилиш ҳар бир одам учун қанчалик оғир ва мушкул эканини тасдиқлайди. Баъзи ўринларда тингловчи, ҳатто, шартдаги пойгада ким ғолиб келди? Бойчиборми? Барчинойми? деган ҳақли саволни қўйишга тайёр туради. Шунингдек, Алпомиш билан Кўкалдош ўртасидаги курашда ҳам

айнан шу савол кундаланг туради. Кураш голиби Ал-
помишми, Барчинойми? Чунки бу курашда ҳам Бар-
чинойнинг Алпомишга мурожаати ўта таъсирлидир:

Очилар баҳорда боғларнинг гули,
Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбули,
Нар-мода бўлибсиз бий бобом ули,
Йиқолмасанг бизга беринг навбатди.
Жуда келди Барчин ёринг ғайрати,
Ушлагандан кўкка отмай не бўпти?
Йиқолмасанг, тўрам, навбат тилайин,
Эркак либосини ўзим кияйин,
Бор кучимни билагимга жияйин,
Бу қалмоқни пора-пора қилайин.
Қалмоқ билан, хоним бўлдинг баробар.

Қизларнинг айтгани менга ботади,
Мардлар олишмайди, силтаб отади (163—164-б.).

Барчиной майдонда Ҳақимбек ва Кўкалдош кура-
шини томоша қилибгина қолмайди, у Ҳақимбекка ҳам
руҳий таъсир кўрсатади, ҳам кураш усулини унга ўр-
гатиб ўтади.

Қайд этилганлардан маълум бўладики, дostonда
изтироб, ташвиш, инсон тақдиридан ўрин олиши мум-
кин бўлган фалокатлар оқибатида руҳий оламда рўй
бериши мумкин бўлган ички кечинмалар етакчи ўрин-
ларда ўз ифодасини топади. Бундай вазиятлар тасвири
кўпинча асар қаҳрамонларининг ҳаётдаги оддий одам-
лар каби ташвишга тушадиган, кўзидан селоб ёшоқа-
диган кишилар эканини таъкидлашга қаратилган де-
йиш мумкин.

Ўз мулоҳазаларимизни фақат тақдир ташвишлари
ифодасининг таҳлили билан чегаралаб қўйсак, адолат-
сизлик бўлар эди. Чунки дostonда хушнуд вазиятлар
ифодасига ҳам бахшиларнинг кенг ўрин бергани яқ-
қол сезилади. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётдаги бахтли дам-
ларга шукроналар билдирмаган инсон инсонми?! Ҳаёт-
дан қониқиш ҳолати рўй бергани заҳоти ўртада хур-
сандчилик, шодлик, кўнгилочар тадбирлар, тўй, зиёфат
бошланади. Бундай воқеалар тингловчилар руҳиятига
ҳам таъсир кўрсатади:

Намойишга оқ ўтовлар ёптириб,
Эли—халқи барча йиғилиб келади,
Бекни сийлаб яхши хизмат қилади.

Барчинойга тўй қилмоқчи бўлади,
Обгардонин ортиб ошпаз келади,
Чилбир чўлда тўйни бошлаб қолади,
Бешта-ўнта улоқ ташлаб туради,
Бир чеккада кўпқари ҳам қилади.

Уйинчи—нағмагар бари келади,
Ўзбак шширлари айтиб туради (165-б.).

Бахши ғалаба ва тўй маросимини атайин шавқ билан куйлаган. Тўйда ўтказиладиган ҳамма расм-русмлар тилга олинади, тингловчининг ҳордиқ чиқариши учун ўзига хос шароит яратилади. Хонандаларнинг қўшиқ айтишлари, исозандаларнинг мусиқа чалишлари, бир тарафдаги улоқ, иккинчи тарафдаги кўпқарига халқ орасидаги тўққиз товоқ товоққа танга ташлаш, ўт ёқиш, келинни куёвга рўбарў қилиш, вакил отага қиз ихтиёрини топшириш, хутба ўқиш, никоҳлаш, куёвдан шарт сўраш, «камнир ўлди», «ит ириллар», «чоч сийпатар», «қўл ушлатар» каби удумларини ўтказиш қўшилиб кетади. Юқоридаги расмлардан ҳам кўриниб турибдики, бахши тўй ўтказиш маросимларимиз қанчалар бой ва ранг-баранг эканлигига диққатимизни тортар экан, ўзбеклар кўнгилочар удумларни ҳам сермазмун ўтказишга моҳир эканини тасдиқлайди.

Достонда шод-хуррамлик дамларини тингловчиларга дам бериш усулларидан бири сифатида баҳолаш ҳам мумкин. Чунки биринчи қисмда ҳар бир қаҳрамон бошидан ўтказган ташвиш-надоматлар фақат охирги лавҳалардагина ўз ечимини топади. Шунингдек, иккинчи қисм ҳам Ҳакимбек фожиаси билан бошланади. Бу фожианинг ечими ҳам иккинчи қисм якунида хулосаланади. Ҳакимбекнинг қайтадан тахтга ўтириши билан Барчиной, Қалдирғоч, Қоражон, Бойбўри, Бойсари, Ёдгор каби асар иштирокчиларининг қисматига якун ясайди. Асар давомида азоб чеккан ҳамма қаҳрамонлар дориламон кунларга етадилар. Ёмонлар, сотқинлар ўз ҳаракатларига яраша жазо оладилар. Яхшилар эса тортган азоблари эвазига хушнудликка эришадилар.

Хуллас, «Алпомиш» достонини халқнинг руҳий оламини тасвирловчи достон деб баҳолаш учун тўла асосларга эгамиз. Унда инсон руҳиятининг чексиз имкониятларга эга экани аниқ далиллар билан исботла-

нади. Инсон ҳаёти турмуш ташвишлари ва хушнудликларидан ташкил топади. Достонда ана шу ҳаёт ҳақиқати ўзига хос услубда ўзининг бадиий ифодасини топади.

БОЙЧИБОР—ҚАНОТЛИ ТУЛПОР

Халқимизда «От битди—қанот битди», «От—йигитнинг йўлдоши», «От—йигитнинг қаноти» каби ўнлаб мақоллар бор. Уларда ўзбекнинг отга бўлган муносабати аниқ ва равшан ифодасини топган. Отнинг аждодларимиз ҳаётида на қадар муҳим ўрни бўлганлигини афсона, ривоят, қўшиқ, эртак, достонлар матнidan ҳам билса бўлади. Ота-боболаримиз отга, айниқса, зотли ва яхшисига, ҳеч қачон ҳайвондек муносабатда бўлмаган. Улар ҳамиша от билан суҳбатлашганлар, ўз сирларини отга айтганлар, ташвишларини ҳам, қувончларини ҳам от билан баҳам кўрганлар. Энг муҳими, от ҳам инсон меҳрига меҳр билан жавоб қайтарган. Ҳатто, кишилар хотираларида отнинг ўз эгасидан зийрак, ҳушёр, тадбиркорлигини кўрсатувчи ҳикоялар кўп сақланган. Шунинг учун ҳам, яхши синчи (отнинг зотини, феълини яхши биладиган мутахассис) тарбиясини кўрган зотдор отнинг қиммати пул олтин билан ўлчанмаган. Йигитнинг ҳамроҳи яхши от бўлса, у тўқис инсон ҳисобланган. Отни сотиш, бировга бериш отга хиёнат билан тенг кўрилган. Ҳозир ҳам миллатдошларимиз ўртасида бу анъана ва қадриятимизга амал қилувчилар кам эмаслигини мамнуният билан қайд этамиз.

«Алпомиш» достони билан танишгач, достоннинг бош қаҳрамони Ҳакимбек—Алпомишнинг ўзи десак, хатога йўл қўямиз. Чунки ижодкор бахшиларимиз достонни яратиш орқали халқимизнинг севикли ва суюкли ҳайвони отга ҳам ўзига ярашиқли ҳайкал ўрнатдилар. Халқ орзусига яраша қаҳрамонларига мос отни раво кўради. Ғирот, Ғиркўк, Бойчибор ана шундай отлардандир.

Алпомиш йигит бўлиб ўз қайлиғи Барчиннинг олдига қалмоқлар билан курашиб, уни олиб қайтиш учун сафарга отланар экан, йўлнинг танобини тортишда ҳамроҳ бўладиган оти йўқлиги учун Қултой олдига боради. Қултой Бойбўрининг Алпомишга от бермаслик ҳақидаги буйруғига амал қилади ва унинг илтимосини рад этади. Лекин Алпомиш унга кучини кўрсатгани-

дан сўнг от беришга мажбур бўлади. Аммо Алпомишга насиб этган отни шунчаки пода орасидан танлаб олиб бўлмас эди. Шунинг учун отни танлашда бобоси Дობонбийдан қолган қўриқни қўлга олиб: «Саман сарига туш, ё олапоча тўрига туш, шапақнинг зўрига туш», —деб ишга киришади. Қўриққа тушган «бир чипор от» унга ёқмайди ва уни қўйиб юборади. Бироқ уч мартагача қўриққа битта от тушаверади. Аслини олганда шу воқеанинг ўзи ҳам Ҳақимбекка айнан мана шу от насиб этганидан дарак беради. Синглиси Қалдирғоч акасининг кўнглини кўтариб: «...бунинг мингак одам кўп ерларни кўради, мақсадини топиб қолади», — дейди. Қалдирғоч тилидан айтилган шеърини парчада Бойчиборнинг таърифи жуда меҳрли сўзлар билан келтирилади. Қадимги афсона ва ривоятларга кўра отни қиз бола юшиб тараса, отда ижобий ўзгариш рўй берар экан. Шу боис Бойчиборни акасига Қалдирғоч эгарлаб бериши лавҳаси диққатимизни ўзига жалб этади.

Чавандоз йигитларнинг суҳбатларидан маълум бўладики, отни сафарга тайёрлаш, уни эгарлаш катта бир санъаткорликни талаб қилар экан. Бахшилар куйлаган достонларнинг кўпчилигида отни эгарлаш лавҳаси бир хил қолипда келади. Бахши достон тингловчилари орасида чавандозлар ҳам борлигини назарда тутиб отни эгарлаш жараёни тасвирини бирма-бир тартиб билан баён этиш маҳоратини эгаллайди. Майин кимхоб терлик, зарлигу зарбофдан бўлган чиргин, беллик, жаҳалдирик, тилла корсон, қоши олтин эгар, тилладан ясалган узанги, чочоғи зумраддан бўлган зарли довур, сирти ипак, ичи майин айил, ўн саккиз қуббали чағатой пуштан, карки қуюшқон, ўмилдирик, тилла юган—от абзалларининг ҳаммаси номма-ном айтилади, эгарлаш тартиби билан тасвирланади. Достон ижросида отни йўлга бундай меҳр билан тайёрлаш сафарни ташвишсиз ўтишини таъминлайдиган омилдир. Ҳатто, канизларнинг от сағриси силаб эркалашларигача бахшининг эътиборидан четда қолмайди. Бундай меҳрибонликка отнинг жавоб бериши ҳам достондаги муҳим тасвирлардандир. «Алпомиш» достонининг Хушбоқ Мардонақул ижро этган нусхасида Бойчиборнинг кўнглидан ўтган гапларни бахши шундай изҳор этган:

Қаторингда норингга,
Кўзлари хуморингга,
Уйда кирдикорингга,
Оралаган бозорингга,
Икки кўзи хуморингга,
Сенга интизорингга,
Аччиқ-аччиқ қамчи чотгин,
Лайли мендай гирингга.
Обормасам харом ўлай,
Барчиндайн ёрингга¹.

Достонда Бойчиборнинг ўйларини тингловчиларга етказиш фақат Хушбоқ Мардонақулнинг эмас, балки ҳамма бахшиларнинг диққат марказида бўлган. От ўз эгасининг муваффақиятини доим ҳисобга олиб турган. Қаршисидаги ҳар бир от унинг назарида душман бўлиб туюлган. Шунинг учун уларнинг кучини ўзиники билан солиштирган.

Алпомиш Мурод тепага чиқиб дам олиб ётганида қизиқ бир воқеа рўй беради. Алпомишнинг Бойчибори қовдон еб турганида узоқдан ўн тўртта қора от кўринади. Шу лавҳани Фозил Йўлдош ўғли шундай тасвирлайди: «Бу қорани кўриб, отнинг чайнаб ётган қовдони ҳам томоғидан ўтмай қолди. Отнинг кўнглига келган шул эди: “Бу келаётган отлар тулпор бўлса, устига минган душман кофир бўлса, Алпомиш мени миниб қочса, кейинимдан қувиб етса, бир шўрнинг ёлғиз ўғли ўладиган бўлди-да”. Аммо келаётган отларни кўриб, Бойчиборнинг кўнгли тинчийди ва: “Қувсам етаман экан, қочсам қутулиб кетаман экан, устимга минган мардимни, чин ажал қамсаб келмаса, фалокатдан озод қип кетаман экан”, — деб қарсиллатиб¹ қовдонни ура берди» (102-б.).

Юқоридаги лавҳада ким ҳам ифода ва тасвирларни ҳайвон ҳақида эканига ишонади?! Тингловчи ҳам, китобхон ҳам фақат Бойчиборнинг ташқи қиёфасигина от эканини тасдиқлаши мумкин. Айни чоқда унинг ўйлари ва мулоҳазалари Алпомишнинг ҳақиқий, фидойи дўстидан мутлақо фарқ қилмайди. Ўз вақтида достон тингловчилари ҳам унга халқ қаҳрамонининг таркибий қисми, уйғун бўлаги сифатида муносабатда

¹ Алпомиш. Достон айтувчи Хушбоқ Мардонақул ўғли. Ёзиб олиб нашрга тайёрловчи Тоштемир Турдиев. Т., «Ёзувчи», 1998, 68-б.

бўлганлар. Алпомиш ёки Гўрўглини Бойчиборсиз ёки Гиротсиз тасаввур қилмаганлар.

Қадимги афсона ва ривоятларда отнинг учиши ҳақида кўп ҳикоялар бор. Кейинги пайтда бизга келган маълумотларга қараганда, қашқадарёлик ва сурхондарёлик отсевар юртдошларимиз зотдор от сўйилганда, бир қарич ҳажмида қанот чиққанлигини таъкидламоқдалар. Халқ орасида бу ҳолатни тасдиқловчи кўплаб мисоллар келтирилмоқда. Уйлаймизки, Фозил Йўлдош ўғлига ҳам отнинг қанотли бўлиши мумкинлиги маълум бўлса керак. Шунинг учун ҳам бахши Бойчиборни таърифлашда ана шу билган ёки эшитган хабарларидан фойдаланади. Барчин шарти билан бошланадиган пойга қирқ кун давом этиши керак эди. Бу мусобақада беш юздан ортиқ отнинг қатнашиши фойдасиз деб топилади. Оғир масофани босиб ўтишда кучи етмайдиган отларнинг нобуд бўлиб қолишини ўйлаб шундай қарорга келинади. Синчилар бутун маҳоратларини ишга солиб пойгада қатнаша оладиган тулпорларни саралайдилар. Кўкалдошнинг синчиси Бойчиборни яхшилаб кўради. Бу лавҳани бахши шундай тасвирлайди: «Қаричлаб кўрди: сағрисининг устидан қулоғининг ўртасигачайин тўқсон олти қарич чиқди, айил тортуви олтмиш уч қарич чиқди. Сағрисини силаб, бурнидан найча қўйиб, дурбин билан қараб қўйдиким, қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти буклам-тарам бўлибётир» (122-б.). Бундай зотдир отни кўрганидан ҳайратга тушган синчи Кўкалдошга бор ҳақиқатни айтади. Кўкалдош синчини ўзбекнинг берган пораси эвазига Бойчиборни мақтаётган ҳисоблаб кўзларини ўйиб олади. Бироқ бу адолатсизлик Кўкалдошнинг кўнглида пайдо бўлган ғул-ғулани йўқота олмайди. Балки, аксинча Бойчиборни кўрган Кўкдўнан (Кўкалдошнинг оти) овқат ейишдан қолади. Кўкалдош синчига ўз тулпорини даволаб беришни сўраганида, синчи унга яна ҳақиқатни айтади. Унинг билишича Кўкдўнан пойгада голиб бўла олмаслигини сезиб бўлган эди. Душман тарафнинг ҳадиксираши пойга бошлангандан кейин яна ҳам аниқ бўлади. Бобохон тоғига чавандозлар етиб келишар экан, Қоражондан дарак бўлмайди, Ваҳоланки, Қоражон аллақачон Бобохон тоғига етиб келиб, дам олаётган эди. Рўй берган воқеадан саросимага тушган қалмоқ алплари Бойчибор туёғига гулмихларни қоқишиб, ўзини боғлаб ташлашади. Қоражоннинг ҳам оёқ-қўллари боғланади. Бун-

дай азобдан пирлар ёрдамида Қоражон қутулади ва пойгачилар кетидан йўлга тушади. Мана шу пайтда Бойчиборнинг қанотли от экани иш беради. Бойчибор Қоражонга қамчинни қаттиқ уришни айтади. Урилган қамчин зарбидан Бойчибор осмонга учиб кетади. Албатта, шу учуш пойганинг маррасигача давом этиши ва ғалаба қўлга киритилиши мумкин эди. Аммо у тақдирда пойганинг қизиқарли лавҳаларидан тингловчилар бебаҳра қолар эдилар. Шунинг учун ҳам Бойчибор пойга қатнашчиларининг энг охирида кетаётган чавандозга етар-етмай ерга тушади. Шундан кейин у ўз олдида чопаётган тўрт юз тўқсон тўққизта тулпордан биттама-битта қувиб ўта бошлайди. Бахши Бойчиборнинг ҳар бир отга етиб бориши ва ундан ўтишини алоҳида завқ-шавқ билан куйлаган. Достон тингловчилари чавандозлик билан боғлиқ турли мусобақа-пойгаларни, кўпкарини яхши билганлари учун ҳам достоннинг бу лавҳалари уларда алоҳида қизиқиш уйғотган. Пойгада гўё Қоражон эмас, балки уларнинг ўзлари қатнашаётгандай ҳис қилганлар. Ҳар бир отдан ўтиш хабари уларда ўзига хос қониқиш туйғусини уйғотган. Айниқса, Кўкалдошнинг оти билан ким ўзарга мусобақалашуш эътиборни ўзига алоҳида тортади. Кўз олдимизда қизғин пойгачилар тортишуви тасвирга олинган кинофильм тасмалари намойиш қилинаётгандек бўлади.

Ҳар бир санъатнинг, ҳунарнинг сири бўлганидек, пойгада ҳам ғалабани таъминлашга ёрдам берадиган ўзига хос яширин усуллар бор. Достонда бахши бу усуллар ҳақида ҳикоя қилмаса, тингловчи-томошабинларда тўла қониқиш ҳосил бўлмайди. Пойганинг бошидан охиригача рўй берадиган воқеалар аниқ тайёрланган сахна асаридек амалга ошиши лозим. Жумладан, Тойчихоннинг саман оти Бойчибор билан тенг йўл талашяпти. Шунда Қоражон отининг бошини тошлоққа буради. Бир кеча-бир кундуз тошлоқда чопишганларидан сўнг саманнинг туёғи бўшашади ва секин-аста тортишувга дош беролмай ортда қола бошлайди. Самандан ўзиб кетишда Қоражон ана шу йўлдан фойдаланади. Энди Бойчибор Кўкдўнанга ета бошлаганида, душман отининг ҳар томонлама машқ кўргани сезилади. Шунинг учун Бойчибор бошқа усулни қўлайди:

Кўкдўнанинг сағрисида олади,
Кейин қараб силтаб отиб юборди (149-б.).

Аммо Кўкдўчан ҳам анойи отлардан эмасди. Дарҳол ўзини ўнглаб олади ва аста-секин Бойчиборга етади ва у ҳам силтаб отиш усулини қўллайди. Шу зайлда икки тулпорнинг кескин мусобақаси давом этади. Достонда тулпорларнинг тортишуви қизигани сари тингловчилар қизиқиши ҳам орта боради. Бахши эса энг тажрибали, моҳир чавандоз каби пойга воқеаларини тасвирлашда давом этади. Бу тасвирларни эшитиб ёки ўқиб бахшининг маҳоратига қойил қолмаслик мумкин эмас. Чунки пойгадаги икки отнинг куч-қуввати бир-бирига тенг келиб қолгач, бахши Бойчиборнинг афзаллигини кўрсатадиган янги чизгилар ўйлаб топиши лозим эди.

Табиийки, Бойчиборнинг аввалги таърифлари пойга пайтида унинг бошқа отлардан мутлақ афзаллигини кўрсатар эди. Аммо бахши атайин туёққа қоқилган гулмих унсурини достон матнига киритган. Агар бошқа тулпорлар тўлиқ ўз имкониятлари даражасида югураётган бўлсалар, Бойчиборда бу имконият йўқ эди: туёғининг ҳар гал ерга урилиши унга азоб беради. Шу билан бу тулпорнинг имконияти пойганинг бошқа қатнашчиларидан чегараланган эди. Энди бахши отга руҳий таъсир қилиш йўли билан унинг ҳаракатига далда беришни режалаштиради. Барчинойнинг «Қурру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти» мурожаати ана шу далдани амалга оширишга қаратилади. Бу тадбир оқибатида Бойчиборни яна бир ҳолат қийнаб келаётгани маълум бўлади. Бутун пойга давомида Бойчибор қалмоқлар Бобохон тоғида унинг тизгинини калта қантарганларича югуриб келаётган эди. Алам билан сувлиқни тишлаб олдинга интилганида, тизгини узилиб кетади. Қоражон эгарнинг қошидан ушлаганича бутун эркин тулпориغا бериб пойгани давом эттиради. Бойчибор ўзига билдирилган ишончни оқлайди ва пойгада ғолиб келади. Уни ҳақиқий қаҳрамонлардек кутиб олишади. Вазифа бажарилгани заҳоти гулмихларнинг таъсири сезилиб от бечора ётиб қолади. Барчиной отнинг оғриққа чидаб нақадар қийинлик билан пойгада ғолиб чиққанини кўриб унга таҳсинлар ўқийди. Қалмоқларнинг хиёнатини ошкор қилади, Бойчибор туёғидаги гулмихларни тиши билан суғуриб ташлайди. Маълум бўладигани, бахши от иштироки билан боғлиқ ҳар бир лавҳани моҳирона киритган. Бу билан от ва Алпомиш бирлигини фақат ташқи кўринишида эмас, моҳият жиҳатдан ҳам асослаган.

Бу фикр, айниқса, дostonнинг иккинчи қисмида яққол сезилади. Алпомишнинг тақдирини Бойчиборниқидан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Алпомиш қалмоқ алпларининг онаси маккор Сурхайил ҳийласи билан зиндонга туширилганидан сўнг қалмоқлар юртининг шоҳи Тойчихон отни бандилаган эди. Бу ҳақда шоҳнинг қизи Тавка Алпомишга шундай хабар беради:

Отамнинг қўлида бир от турибди,
Оёғига темир парчин урибди.
Ул бўйнига чўяндан гул солибди,
Душман дейишиб отга азоб берибди.
Ётиб туролмайди, шундай бўлибди,
Хафа бўлиб бошин ерга солибди (283-б.).

Агар эътибор берсак, дoston ижрочиси Алпомиш ва Бойчиборнинг ҳолатини битта тақдир чизгиси билан ўлчамоқда. Алпомиш етти йил зиндонда ётган бўлса, Бойчибор шунча муддат Тойчихон қўлида бандиликда ётди. Алпомиш берган исириқни Тавка Бойчибор олдида тутатади. Шунда отда кескин бир ўзгариш рўй беради. У исириқдан Алпомишнинг тириклигини билади ва бандилик занжирларини парчалаб, эгаси олдига шошилади. Вазият тақозоси билан қўйруғи узунлашиб зиндондаги Алпомишни қутқаради. Маълум бўладики, Қоражоннинг ёрдамидан воз кечган Алпомиш Бойчиборниқини рад этмайди. Чунки тақдир тақозоси билан Қоражоннинг таънаси бўлиши мумкинлигини назарда тутатади. Бойчибор эса Алпомишнинг ўзидир: Алпомиш зиндондан ўзи чиққандек бўлади.

Шундай қилиб Бойчибор ва Алпомиш бахши тасаввурида битта уйғун тушунчадир. Дoston чавандозлик ривожланган вилоятларимизда куйланар экан, бундай ҳолатни табиий деб қабул қилиш мумкин.

«АЛПОМИШ» ҲИҚМАТЛАРИ

Бу тўй ўғиллининг ўғлидан қайтади. қизлининг қизидан қайтади.

Вақт-бевақт бировниқига меҳмон келса, отини ушлаб, жойи бор бўлса, кўнглини хушлаб жўнатса, бул ҳам сахий, агар жойи бор туриб, жой йўқ, деб кўндирмай жўнатса, бул одам бахил.

Вақт-бевақт киши мазоротнинг қабатидан ўтса, чай оёғини узангидан чиқариб, мазордаги одамларнинг ҳақиға дуо қилиб ўтса, бул ҳам сахий, агар ҳар ким мазордан ўтганда, чап оёғини узангидан чиқармай, мазоротнинг ҳақиға дуо қилмай ўтса, бул ҳам бахил.

Кишининг моли закотга етса, закот берса, бул ҳам сахий экан. Агар закот бермаса, бул ҳам бахил экан.

Золим билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош.

Ўз акамга ўзим закот бергунча
Бошқа юртда жузъя бериб юрайин.

Қасд айласа, билмагани билдирар,
Дўст йиғлатиб, душманини кулдира.

Давлат қўнса, бир чивиннинг бошига
Семурғ қушлар салом берар қошига.

Банда кўнар Тангри қилган ишига.

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема.

Хўжа келса, чиқар мурид назири,
Хотин бўлмасмикан эрнинг вазири.

Худойим сақлагай бандани омон.

Элат билан бирга юрмоқ лозимдир.

От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси.

Қарчиғай қарғага емтик берами?

Эрисин тоғларнинг қори эрисин,
Ер остида душман тани чирисин.

Гулни кўрса, маст бўб сайрар булбуллар.

Чичқон ини минг танга бўлади.

Ҳар ким ўз элида бекми тўрами,
Нар-модалар сендан камроқ бўлами?

Марднинг ёри той-талашда қолами?

Хазон бўлса, зоғлар қўнар гулшанга.

Қишман ёз ўртаси ҳишшай саврди (р),
Ёмон одам мудом қилар ғовурди.

Ғариб қулга Эгам бўлгай меҳрибон.

Ўлим навбат етар шоҳу гадога.

Ғамли қулнинг ўйлайдиган ўйи бор.

Бемаҳал борган меҳмоннинг иззати, ҳурмати
бўлмайди.

Чибор отим сенга омонат, омонатга қилмайсан хиёнат.

Азаматлар олмос бойлар дастига.

Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини,
Эси бор билади гапнинг тузини.

То ўлгунча яратганга рост бўлдим,
Дўстнинг меҳри жуда иссиқ келади,
Ҳар ким қайтса, Худога оси (й) бўлади.

Бетайин чиқмайди марднинг довуши.

Сен ияртиб, эл кулдириб юрмагин.

Хазон бўлса, зоғлар қўнар гулшанга.

Армон билан билмаганим билдирди,
Ханжар чекмай бағрим қонга тўлдирди.

Бекорига сўзламоқлик не даркор.

Ўлим навбат етар шоҳу гадога.

Султон суягини хўрламас.

Отамнинг йўлида қурбондир жоним.

Йигитга панд берар отнинг майиби.

Учраса ёрнинг марди,
Кўзга дори пойи гарди.

Хафа фалак бошга солган зулм бор,
Қайда борсам, бир бошимга ўлим бор.

Қўйгин, болам, арзачига ўлим йўқ.

Дўст йиғлатиб, душманимни кулдирма.

Яхшилик қил, ёмонликни қилмагин.

Эрисин тоғларнинг қори эрисин,
Ер остида душман тани чирисин.

Ер ризқли мол-да, қўлдан берганингизга қаноат
қилмайди.

Той ҳам бўлса от ўрнида кўрайин.

Ошиқиб иш кўрмоқ бунда не даркор,
Ошиқмагин, ҳар нарсанинг вақти бор.

Ўзингдан чиққан балога, қайга борарсан давога.

Ажал етса, армон билан ўламиз.
Бу тақдирда не ёзилган кўрамиз.

Қор ёққанда карвон солар чийирди.

Таваккални бир Худойга қиламиз.

Ажал етмай бунда чивин ўлама?

Ажал етмай, ўлмас Бойсиннинг хони.
Беамр чиқмайди чибиннинг жони.

Дўстга зор айлама, душманларга хор.

Тоғлар азиз бўлар туман бўлмаса,
Йўллар азиз бўлар карвон бўлмаса,
Боғлар азиз бўлар боғбон бўлмаса,
Мулки хароб бўлар султон бўлмаса.

Гул кетар бўлса, гулистон эмранар,
Шаҳар вайрон бўлса, султон тебранар.

Мол борида ҳамма одам дўст эди,
Бошдан давлат қайтса, туққан эмранар.

Кўп бўлади ғамли қулда армонлар,
Найза тегса, оқ бадандан қон оқар.

Ҳаво ёғса, чиқар ернинг мияси,
Карвонни ҳоритар йўлнинг қияси.
Бедавлатнинг бошга урар кияси,
Ёри ўлган қизнинг чиқар чияси.

Яхши одам асло ёмон бўлмасин.

Азаматлар олмос бойлар дастига
Душман тушар кам давлатнинг қастига.

Мард бўлсанг, номард ишин қилмагин,
Кўп яшагин, бу дунёда ўлмагин.

Элакка борган хотиннинг эллик оғиз гаши бор.

Мард йигит майдонга кирса желлидир,
Тўқайда йўлбарснинг изи беллидир.

Отасини урган фарзанд оқ бўлар.

Қўҳна бийга таъзир бермак уятди (р).

Шамол турса, шобирлайди шотерак.

Бошима манманлик бало бўлади.

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида	3
Достон	5
Достоннинг яратилишига чизгилар	13
Достонда давлат юритиш тadbири	13
Инсон эркин куйлайман абад	25
«Алломиш»да ислом	34
Май — қабоҳат тузоғи	45
Акс этади «Алломиш»да руҳим менинг	52
Бойчибор — қапотли тулпор	64
«Алломиш» ҳикматлари	70

Илмий-оммабон нашр

ОМОНУЛЛА МАДАЕВ

«АЛПОМИШ» БИЛАН ҶУҲБАТ

Тошкент «Маънавият» 1999

Муҳаррир С. Содиқов
Бадий муҳаррир С. Аъзам
Техн. муҳаррир Т. Золотилова
Мусаҳҳиҳ Ш. Илҳомбекова

Теринга берилди 23.07.99. Босишга рухсат этилди 10.09.99. Бичими 84x108¹/₃₂.
Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. т.
4,20. Шартли кр.—отт. 4,41. Нашр т. 4,08. 2000 нусха. Буюртма № 270.
Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Шодлик кўчаси, 6. Шартнома 15—99.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов
кўчаси, 1-уй. 1999.

М 14

Мадаев Омонуллa.
«Алпомиш» билан суҳбат.—Т.: «Маънавият»,
1999.—80 б.

ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК—УНИВЕРСАЛ ТИЖОРАТ БАНКИ

Ўзбекистон Республикасининг энг ишончли тижорат банкларидан бири ҳисобланмиш Ўзбекистон Давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки «Ўзуйжойжамғармабанк» — универсал тижорат банкидир.

Ўзуйжойжамғармабанк «Ахбор Рейтинг» компанияси ҳулосасига асосан барча кўрсаткичлар йиғиндисига кўра Ўзбекистон тижорат банклари ичида фахрли учинчи ўринга кўтарилди. Банк республиканинг барча ҳудудларида 25 та бўлим орқали фаолият кўрсатади.

Ўзуйжойжамғармабанк ҳозирги кунда кенг йўналишларда фаолият олиб бормоқда. Банк депозитларни қабул қилиш ва кредитлар бериш, ташқи иқтисодий фаолият бўйича тўлиқ хизмат кўрсатиш, факторинг ва лизинг операцияларини амалга ошириш, миждозларга қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар ўтказиш ва бошқа бир қатор хизматларни таклиф қилади.

Ўзуйжойжамғармабанк—уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш давлат дастурининг асосий ижрочиси. Республикамиз фуқароларига банк орқали ярим баҳосида квартира сотиб олиш учун ажойиб имконият яратилган. Бунда квартира баҳосини ўн йил мобайнида имтиёзли шарт-шароитда тўлаш таклиф этилади.

Манзилгоҳ:

700000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 17.

Телефонлар: (3712) 133-29-57, 133-11-22, 136-32-31

факслар: (3712) 133-30-89, 136-03-88

«Маънавият» нашриёти 1999 йилда маънавият ва маърифат тарғиботи учун зарур бўладиган қуйидаги асарларни чоп этади:

ҲАМИД ЗИЁЕВ

«ИСТИҚЛОЛ—МАЪНАВИЯТ НЕГИЗИ». 12,0 босма
табақ

* * *

ҲАЗИНИЙ

«Девон». 11,0 босма табақ

* * *

ШАРИФ ЮСУПОВ

«ХУФИЯ ҚАТЛАМЛАР». 9,0 босма табақ

* * *

НАРЗУЛЛА ЖҲРАЕВ

«ТАРИХ ФАЛСАФАСИ». 10,0 босма табақ

* * *

«ИБРАТ, АЖЗИЙ, СУФИЗОДА». Танланган асарлар.
14,0 босма табақ

* * *

НИЗОМИДДИН МАҲМУДОВ

«МАЪРИФАТ МАНЗИЛЛАРИ». 7,0 босма табақ

* * *

ЭРКИН АЪЗАМОВ

«ПАҚАНАНИНГ ОШИҚ КҮНГЛИ». 10,0 босма табақ

* * *

БЕГАЛИ ҚОСИМОВ

«ЖАДИДЧИЛИК». 18,0 босма табақ

* * *

Ғ. ҒАФУРОВ

«МОВАРОУННАҲР ЖАВОҲИРИ». 10,0 босма табақ

* * *

ШУҲРАТ РИЗАЕВ

«САҲНА МАЪНАВИЯТИ». 10,0 босма табақ

* * *

«МАЪНАВИЯТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ».

Плакатлар мажмуи. 5 қисмли. 10,0 босма табақ

